

VATANPARVAR

Сайтимизга ўтиш
учун QR-коднинг
сканер қилинг.

2020 йил 3 июль, № 27 (2882)



ХАВО КЕНГЛИКЛАРИДАГИ БАҲС



5-бетда

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА,
ОФИЦЕРЛАР!



14-бетда

«НЕВАРАЛАРИМ
ЎҚИЙ ОЛАДИГАН
КИТОБЛАР БЕРИНГ»

● Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Глобал Саммити доирасида Европа ва Марказий Осиёда коронавирус пандемиясининг меҳнат бозорига салбий таъсирига қарши курашиш йўллари ва келажакдаги истиқболлар муҳокамасига бағишланган минтақавий сессия бўлиб ўтди.

Онлайн-учрашувда Швейцария, Швеция, Португалия, Бельгия, Хорватия, Испания, Россия, Грузия каби кўплаб мамлакатларнинг меҳнат вазирлари, ишчилар ва иш берувчилар ташкилотлари раҳбарлари қатнашди.

Сессияда Марказий Осиё минтақасидан Ўзбекистон бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Нозим Хусанов иштирок этиб, мамлакатимиз меҳнат бозорига пандемия оқибатларини бартараф этиш бўйича маҳаллий тажриба ҳақида маълумот берди.

● Ипотека банк матбуот хизматининг маълум қилишича, 1 июлдан бошлаб жисмоний ва юридик шахслар учун ажратиладиган кредит фоиз ставкалари пасайтирилади.

Хусусан, жисмоний шахслар учун микроқарз — 24, онлайн микроқарз — 23, автокредит — 24, истеъмол кредити — 24, ипотека кредитлари — 24 фоиз қилиб белгиланмоқда.

Юридик шахслар учун айланма маблағларни тўлдириш учун — 21, асосий воситаларни сотиб олиш, шакллантириш учун — 21, ўз эҳтиёжи учун енгил автомашиналар харид қилишга — 21, хорижий валютада ажратиладиган кредитлар — 8, лизинг амалиётлари — 21 фоизгача туширилмоқда.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

O'ZBEKISTON

HAFTA ICHIDA

7

«АГАР МЕНИНГ ЎғЛИМ
ХАЁТ БЎЛГАНИДА...»

10

«МЕН «ИЛҲАҚ»ДА
РОЛЬ ЎЙНАМАДИМ,
УНДА ЯШАДИМ...»

15

«НОТ СПОТ»: ҚАЙНОҚ
НУҚТАЛАРДАГИ
ҲАРБИЙ МУХБИРЛАР

19

БАРЧА ЗАМОНЛАРНИНГ
УЛУҒ МУТАФАККИРИ



Юксак касб маҳорати ва ҳарбий интизом – ҳар бир ҳарбий

МАРКАЗИЙ ҲАРБИЙ ОКРУГНИНГ «САЗАГАН» ДАЛА-ЎҚУВ МАЙДОНИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

„Замонавий талаб ва стандартларга кўра янгитдан барпо этилган ушбу дала-ўқув майдонининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири генерал-майор Б. Курбанов, Самарқанд вилояти ҳокими – ҳарбий-маъмурий сектори раҳбари Эркинжон Турдимов, Марказий ҳарбий округ кўшинлари қўмондонлиги, Мудофаа вазирлиги фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этишди.



Тантанали маросимда «Сазаган» дала-ўқув майдонининг қурилишида жонбозлик кўрсатган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ҳамда қурувчи-пудратчи ташкилот вакиллари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Самарқанд вилояти ҳокими – ҳарбий-маъмурий сектори раҳбари томонидан рағбатлантирилди.

Дала-ўқув майдони чинакам маънода аскар академиясидир. Чунки бу ерда ҳарбий хизматчи назарий билимларини амалда қўллайди. Шу боис Ватан ҳимоячиларининг ҳам маънан, ҳам руҳан, ҳам жанговар тайёргарлигини оширишда дала-ўқув майдони муҳим ўрин тутди.

Тантанали маросимдан сўнг Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири бошчилигида тадбир иштирокчилари янгитдан барпо этилган дала-ўқув майдонида яратилган шарт-шароитлар, замонавий ўқув синфлари, тиббиёт пункти, ётоқхоналар, ошхона, спорт шаҳарчаси ҳамда жанговар техникалар паркани кўздан

кечиришди.

Меҳмонлар дала-ўқув майдонини кузатиш давомида Марказий ҳарбий округ ҳарбий хизматчилари томонидан яратилган кўшинлар жанговар шайлигини оширишга хизмат қиладиган инновацион ишланмалар билан ҳам танишди.

Самарали кўрсаткичга эга



хизматчининг Ватан ҳимояси учун қўшган ҳиссасидир!



ишланмалар эса Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири томонидан муносиб рағбатлан-тирилди.

Шунингдек, «Сазаган» дала-ўқув майдонида замон талабларига тўла-тўқис жавоб бера оладиган 30 га яқин ўқув нуқталарида барча турдаги жанговар техника ва қуроллардан фойдаланган ҳолда кўргазмали жанговар-ўқув машғулоти ўтказилиб, тадбир иштирокчиларига намоиш этилди.

Унда юрт ҳимоячиларининг эгаллаган мукамал касбий маҳоратини кўрган ёшларда миллий

армиямиз сафларида хизмат қилишга бўлган иштиёқ янада ошди, десак муболаға бўлмайди.

Марказий ҳарбий округга қарашли яна бир замонавий дала-ўқув майдонининг ташкил этилганлиги эндиликда Ватан посбонларининг ўзгача усул ва услубларда машғулоти ўтказишлари учун кенг имкониятлар беради.

**КБҲХ, оддий аскар
Отабек НОРБОВЕВ,
Марказий ҳарбий округ
матбуот хизмати**



ҲАВО-ДЕСАНТ ТАЙЁРГАРЛИГИ



ҲАВО КЕНГЛИКЛАРИДАГИ БАҲС

“ Ижодий гуруҳимиз билан Шарқий ҳарбий округ десантчилар ҳарбий қисми томон йўлга отландик. Мақсадимиз – ҳарбий хизматчиларнинг фаолияти билан яқиндан танишиш, уларнинг ўтган вақт давомида эгаллаган билим ва кўникмалари ҳақида репортаж тайёрлаш.

Манзилга етиб келдик. Машғулотлар бошланди. Ҳарбий хизматчилар иштирокида жисмоний машқлар олиб борилмоқда. Бу эса йигитларнинг жисмоний имкониятларининг янада ошишига, қўйилган ҳар қандай топшириқни қисқа вақт ичида бажаришда айна мударо бўлаётир.

– Бу ерда Ватан посбонларининг парашютни тахлаш бўйича кўникмалари мустаҳкамланади, – дейди подполковник

Равшан Шамшиев. – Мазкур жараёнларда юрт ўғлонлари ўта синчков ва шу билан бирга, диққатли бўлиши даркор. Негаки, бирор-бир босқич назардан четда қолса, парашют белгиланган тартиб бўйича тахланмаса, ҳарбий хизматчининг ҳаётига ҳавф туғдириши мумкин. Шу боис биз вазифаларнинг тўғри ва аниқ бажарилганини назоратга оламиз, текшириб чиқамиз. Шундан сўнг парашют билан амалий сакрашга рухсат берилади.

Камерамиз объективини ҳаво-десант шаҳарчасига қаратамиз. Бу ерда ҳам бир



гуруҳ ҳарбий хизматчилар парашют билан амалий сакраш босқичигача бўлган жараёнда иштирок этмоқда. Айтиш керакки, бу машқлар парашют билан илк бор сакраётган юрт ўғлонларининг билим ва кўникмалари ошишга, ўзига бўлган ишончнинг ортishiга хизмат қилади. Йигитлар ҳар бир элементни қунт билан ўзлаштириб, ҳам руҳий, ҳам жисмоний имкониятларини оширмоқда.

...Шарқий ҳарбий округнинг дала-ўқув майдонларидан биридамыз. Десантчилар гуруҳи қатъий тартиб асосида кўрикдан ўтказилди. Ҳар бир юрт ҳимоячисининг парашютни яна бир бор текширилиб, уларга зарур кўрсатмалар берилди. Кўзлари ёниб турган йигитлар қўйилган топшириқни бажаришга шай.

...Мана, вертолёт кўниш майдонига яқинлашмоқда. Ҳарбий хизматчилар парашют билан амалий сакраш мақсадида ҳаво транспортига чиқиб жойлашди. Вертолёт белгиланган баландликка етиб келгандан сўнг сакраш сигнали берилди.

Машғулотларда янгича ёндашув ва жанговар имконият сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мақсад ҳарбий хизматчиларни ноқулай вазиятларда қўйилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга ўргатиш, жанговар шайлигини яна бир бор синовдан ўтказишдан иборат. Десантчилар тажриба ва маҳоратларини намойиш қилиб, белгиланган ҳудудга муваффақиятли қўнишди.

Лейтенант Шоҳруҳ САИДОВ

БИТИРУВ ТАНТАНАСИ

Эрта тонг. Анъана тусини олган тантана. Олий ҳарбий таълим муассасалари. Байрам кийимидаги битирувчилар турнақатор сафга тизилган. Юракларда ажиб энтиқиш, ўзгача ҳаяжон. Ватан ҳимоясига бел боғлаган ўғлонларнинг муқаддас мақсади рўёби битирув тантаналарида ўз аксини топгандек, гўё.



возлар амалга оширилди.

Президентимиз ташаббуси ва 2019 йил 17 январдаги фармони асосида ташкил этилган Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти ҳам ушбу тантанали маросим муносабати билан байрамона қиёфа касб этди. Унда мудофаа вазирининг ўринбосари полковник Зойир Базарбаев, вазирлик масъул офицерлари, Қуролли Кучлар фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар мамлакатимизда Ватанни ҳимоя қилишдек улуг вазифани зим-

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, ОФИЦЕРЛАР!

масига ишонч билан ола бадиган, ҳарбий-сиёсий вазиятни чуқур таҳлил этиб, жанг шароитида ўзини йўқотмай, мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қиладиган ҳарбий кадрларни



Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида ушбу олий ҳарбий таълим муассасаси ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий тиббиёт факультети битирувчиларининг навбатдаги битирув маросими бўлиб ўтди.

Байрамона маросим олдидан давлат мадҳияси янгради. Тадбирда мудофаа вазири ва унинг ўринбосари, вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда турли қўшинлар вакиллари, академиянинг профессор-ўқитувчилари, фахрийлар, битирувчиларнинг яқинлари иштирок этди. Маросимнинг асосий қаҳрамонлари – лейтенантларга тантанали тарзда диплом ҳамда кўкрак нишонлари топширилди.

Битирувчиларни мудофаа вазири генерал-майор Б. Курбанов кутлар экан, Қуролли Кучлари-мизнинг мудофаа қудрати ва обрўси йилдан-йилга ортиб бораётгани, халқаро ҳарбий мусобақаларда вакилларимиз энг илғор натижаларни қайд этаётганини таъкидлади. Ёш офицерларга келгуси хизмат фаолиятларида омад ва зафарлар тилади.

Тошкент тиббиёт академияси Ҳарбий тиббиёт факультети битирувчиси Ўлмас Исомиддинов тиббий хизмат лейтенанти ҳарбий унвони билан бирга сафдошларидан фаркли ўларок, имтиёзли дипломга ҳам эга бўлди. Самарқанд давлат тиббиёт институтидан ушбу факультетга ўқишга кирган ёш мутахассис ҳаётини Ватанни ҳимоя қилишдек шарафли вазифага бағишлади. Фанларни аъло ўзлаштиришда барчага ўрнак кўрсатиш баробарида факультет илмий тўғарагини бошқарди.

Тадбирнинг бадий қисмида ҳарбий-ватанпарварлик мавзусига бағишланган кўргазмали мусикий чиқишлар ва концерт дастури намойиш этилди. «Турон» давлат ҳарбий театри актёрлари томонидан тарихий шахслар тилидан ватанпарварлик руҳидаги монологлар ўқилди.

Бундан беш йил бурун Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий авиация билим юртига ilk қадам қўйган курсантлар бугун саф майдонида кўр тўкиб турган лейтенантларга айланди.

Президентимиз ташаббуси би-

лан Қарши шаҳрида қайта барпо этилган мазкур билим юртининг битирувчилари Қарши гарнизони ҳарбий оркестри мусиқа садолари остида диплом ва кўкрак нишонларини қабул қилиб олди.

Мудофаа вазирининг буйруғига мувофиқ, ҳар бир битирувчининг хизмат ўташ жойи, ҳарбий қисмларда тайинланган лавозимлари билим юрти раҳбарияти томонидан ўқиб эшиттирилди.

Маросимда ҳарбий учувчилар томонидан жанговар самолёт ва вертолётларда кўргазмалар пар-

тайёрлашнинг ўзига хос тизими яратилганини таъкидлади.

Битирувчилар номидан сўзга чиққан лейтенант Азизбек Мингбоев мазкур масканда олган билимларини юртимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш йўлида сафарбар этишга барча сафдошлари номидан ваъда берди.

Тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юлдуз Абдуллаева «Лейтенант» кўшиғини институт битирувчиларига армуғон этиб, мухлислар олқишини олди.

Д. РЎЗИҚУЛОВ

Шу куни Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида ҳам битирув тантанаси бўлиб ўтди. Унда Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари, нафақадаги ҳарбий хизматчилар, кенг жамоатчилик вакиллари, сенаторлар, депутатлар, шоир-ёзувчилар ва билим юрти шахсий таркиби иштирок этди.

Тадбир аввалида битирувчи курсантларга мудофаа вазирининг табриги ўқиб эшиттирилди. Унда таъкидланганидек, олий ҳарбий билим юрти битирувчилари қўшинларда ўрнак ва ибрат намунаси бўлиши керак.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи мудофаа вазири генерал-полковник Рустам Аҳмедов ҳам айнан мана шу билим юрти битирувчиси. Тантана бўлиб ўтаётган муқаддас саф майдонида у ҳам бугунги ёшлардек лейтенант ҳарбий унвонини қабул қилиб олган. У ўз нутқида ёш офицерларга миллий армиямиз нуфузини янада ошириш, она Ватан олдидаги йигитлик бурчини ҳаёт мазмунига айлантирган, ўз тақдирини мамлакат тақдири билан боғлаган ҳарбий хизматчиларга улкан муваффақият ва зафарлар тилади.

Шундан сўнг йигитларга диплом, кўкрак нишони, ҳаёт ва хизмати давомида асқатадиган жавоҳир китоблар тарқатилди.

И. НУРАЛИЕВ

Айтишларича, жаннат тимсоли икки дарё ораллидаги мамлакатларга насиб этган экан. Шунинг учун ҳам Туронзамин гавҳари бўлган она юртимиз дунёнинг тўрт томонидаги мамлакатларни ўзига қорлаб турган. Айниқса, бойлик илнжидаги ёғийлар – форсийлар юнон, араб, чингизийлар... асрлар давомида Турон давлатларига эгалик қилиш учун бор кучини, ҳийласини ишга солган. Она юрт фарзандлари босқинчи келгиндилар қай даражада қудратли бўлмасин, уларга қарши тура олган. Ўз даврига хос ҳарбий тактикаларни ишга солган. Широқ, Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Нажмиддин Кубро, Абу Муслим, Жалолиддин Мангуберди, Махмуд Таробий, Амир Темур каби улўғ аждодларимиз бунга ёрқин мисолдир.

Уларнинг азиз номи, ёғийга қарши олиб борган кураши мамлакатимиз тарихи саҳифасидан ёрқин жой олган, шеър дostonларга битилган, эл орасида афсонага айланган.

ШИРОҚ

Бу ном ҳатто юртимиздаги боғча болаларига қадар таниш. Чунки Широқ жасорати асосида эртақлар, мультфильмлар яратилган. Асрлар оша унинг ҳайратга сазовор жасуриги тиллардан-тиллаларга ўтган.

Тарих зарваракларида келтирилишича, Эрон шоҳи Доро I сакларга қарши катта қўшин билан йўлга чиқади. Бу хабарни эшитган саклар, массагетлар, дербиклар, хоразмликлар ва чочликларнинг оқсоқоллари кенгашга тўпланишади. Ўша пайтдаги оқсоқоллар кенгашида нафақат зодагонлар, балки оддий фуқаролар қатнашиши ҳам мумкин бўлган. Шу сабаб оддий чўпон Широқ кенгашга кириб, ўз режасини маълум қилади. Оқсоқоллар унинг гапларига диққат билан қўлоқ тутиб, фидойилиги, жасуригига тан беришади. Широқ бир ўзи душманни даф қилажagini айтиб, бу йўлда ҳалок бўлишини, шунинг учун оиласи таъминотини оқсоқоллар ўз бўйнига олишларини илтимос қилади.

У бурун ва қўлоқларини ханжари билан кесиб, қонга бўялган ҳолда форслар манзилига йўл олади. Доро I ҳузурига кириб, унга садоқатини изҳор қилади. Юртдошлари айнан шунинг учун уни оғир жазога маҳкум қилганликларини билдиради ва улардан интиқом олиш ниятида эканлигини айтади. Эрон шоҳи унинг гапларига ишонса ҳам, барибир синовдан ўтказишга қарор қилади. Бу синов режаси маккорлик билан ишланган бўлиб, форс подшоҳи ҳузурига асир олинган сак мўйса-фидини келтиришади ва Широқнинг қўлига қилич тутқазиб уни ўлдиришни буюришади.

Шунда Широқ форс ҳукмдорига қараб: «Бизнинг урф-одатимизга кўра, катталарга нафақат қўл кўтариш, ҳатто қаттиқ гапириш гуноҳи азимдир», дейди. Шунда форслар бу йигитни номусли ва бир сўзли эканлигига ишонади.



Широқ уларга етти кунлик озиқ-овқат ва сув ғамлашни айтиб, ёғийни Қизилқум чўлига бошлайди. Етти кундан сўнг озиқ-овқати тугаган, ташналикдан мадори қуриган босқинчилар алданганликларини сезади.

Широқ ўлими олдида душманларга виқор билан тик қараб, шундай дейди: «Мен ғалаба қилдим! Азиз юртдошларимнинг сиз туфайли



ИННОВАЦИЯ

Мақоланинг аудио шаклини тинглаш учун QR-кодни сканер қилинг.



ВАТАН ДАРДИ БИЛАН ЁНГАН МИЛЛАТМИЗ

чеккан жабр-ситамлари ҳисобига барчангиз очлик ва сувсизликдан қирилиб кетасиз!»

Широқнинг бу жасорати халқ орасида достонга айланади ва халқ қаҳрамони сифатида тарихга муҳрланади.

ТЎМАРИС

Милоддан аввалги VII – IV асрларда Ўрта Осиёда аждодларимиз хотин-қизларни жуда ҳурмат қилиб, уларга иззат-икром билан қарашган. Босқинчиларга қарши жангларда аёллар ҳам эркаклар қатори сафда бўлган. Тўмарис ҳам мана шундай жасур аёллардан бири эди. Шу сабаб, у ҳақдаги ривоятлар ҳанузгача эл оғзидан тушмайди.

Милоддан аввалги 529 йилда Эрон шоҳи Куруш катта қўшин тўплаб, Ўрта Осиёга юриш қилади, биринчи бор массагетлар билан тўқнашади. Малика Тўмарис массагетлар йўлбошчиси сифатида урушни, қон тўкилишини истамайди. Эрон шоҳи Куруш эса аксинча, бойлик ва шон-шўҳратга ўч бўлиб, доимо босқинчиликка – урушга интилган.

Тўмарис душман билан бўлган дастлабки жангда ўғли Спарангиз кўмондонлигида ёв қўшинини тор-мор қилади. Жасур массагетларни очик жангда енгил қийинлигини билган форслар маккорлик йўлига ўтади. Улар массагетлар май-шароб нималигини билмаслигини пайқаб,

бир жойда ичимликларга тўла мешларни қолдиради. Умрида шароб ичмаган массагетлар уни татиб кўришади ва маст бўлиб, ҳушёрликни унутади. Форслар ухлаб ётган Спарангиз бошчилигидаги қўшинни қириб ташлаб, ўзини асир олади.

Массагетлар саркардаси ўзига келгач, қўлига кишан солиниб, душман асирга айланганини

кўради. Эрон шоҳи унга тантана билан қараб, қабилиси билан таслим бўлишини таклиф қилади. Спарангиз ундан қўлини ечишни илтимос қилади. Курушнинг ижозати билан қўллари кишандан бўшатилган йигит номуси зўрлигидан олдида турган соқчининг ханжарини олиб, ўзига уради. У асирликдан, юртдошларини ёғийга тутқазидан кўра ўлимни афзал кўради. Бундан ҳайратга тушган форслар уни эҳтиром ила дафн қилишади.

Ўғлининг ўлимини эшитган Тўмарис ларзага тушади, аммо ўзини йўқотмайди. Ўғли учун ўч оламан, деб халқини қурбон қилишни истамайди. Ақл-идрок билан иш тутиб, Курушга элчи юборади.

– Эй, Куруш! – дейди элчи Тўмарис номидан. – Ёлғиз ўғлимдан айрилган бўлсам-да, сени кечираман. Эришган ғалабанг ила ғурурланиб, тинчгина юртингга қайт. Акс ҳолда, Қуёш номи билан қасам ичаманки, сени қон билан тўйдираман. Агар урушни истасанг, Амударёдан ўтавер. Сенга халақит бермайман. Очик майдонда тенгма-тенг жанг қиламиз. Сўзим ва ҳукимим шу!

Эрон подшоҳи элчининг сўзини тинглаб, маслаҳат кенгашини чақиради. Нима қилиш керак? Куруш амалдорларидан бири Лидия подшоҳи Керз эди. Куруш бир вақтлар унинг мамлакатини босиб олиб, ўзини асир қилган, беҳисоб бойликларини ўзига олганди. Керз малика Тўмарис таклифига кўниб, орқага қайтишни маслаҳат беради. Аммо очкўз амалдорларнинг кўпчилиги Амударёдан ўтиб, жанг қилишни талаб этишади. Шундай қилиб Куруш дарёдан ўтишга фармон беради.

Шу тариқа массагетлар подшоҳи Тўмарис милоддан аввалги 529 йилда Эрон шоҳи Курушни Амударё бўйидаги шиддатли жангда енгади. Массагетлар номус, адолат ва эрк учун жанг қилиб, босқинчиларни яқсон қилади. Малика Тўмарис онтига содиқ қолиб, душман подшоҳининг бошини қон тўла мешга солдиради. Массагетлар ва унинг маликаси доврўғи ён-атрофга тарқалиб, узок йиллар давомида ёғийлар бу ўлкаларга қадам босишга бетламайди.



Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»

КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ

“ Аварларнинг буюк шоири Расул Ҳамзатов номи ўзбек ўқувчилари орасида ҳам машҳур. Шоирнинг «Турналар» қўшиғи унга жаҳоний шухрат келтирган. Барчамиз бирдек севиб тинглайдиган, катта ҳофиз Шерали Жўраевнинг «Ошиқларнинг сардори менман» қўшиғи ҳам Расул Ҳамзатов қаламига мансуб. «Менинг Доғистоним» асари info.islom.uz сайти ижтимоий тармоқларда ўтказган сўровномалар натижасига кўра, ҳар бир ўзбек ўқиши керак бўлган 100 асардан бири, дея эътироф этилган.

Айрим ижодкорлар Расул Ҳамзатов ижодини унчалик ҳам юксак баҳоламайдилар. Унинг бетакрор ижодини муваффақиятли таржимада, деб биладиганлар ҳам бор. Бир нарсаси дейишим қийин. Чунки мен адабиёт-шунос эмасман, адабиётни севаман.

Аммо шоирнинг ўз тили билан айтганда, «пастқам тоғлар тагида ҳам катта олтин захираси бўлиши мумкин», экан-да! Дунё харитасида жимитдеккина ҳам жойини эгалламайдиган Доғистонни у шу қадар буюк муҳаббат билан қуйладики, ҳаммани мафтун этди, лолу ҳайрон этди.

Оналар ҳақида қалам тутган инсон борки, намадир қоралаган. Қалбларни ларзага соладиган шох-байтлар битилган, қиссалар яратилган. Она – адабиётнинг ҳеч эскирмас мавзуси. Бу борада ҳам Расул Ҳамзатовнинг ОНАси тенгсиздир. У оддийгина она мақомидан баландроққа кўтарилган, Ватан, тил, қўшиқлар у билан, у «катта тақдир эгаси, илҳом манбаи». Дунёнинг кўпгина тилларига таржима қилинган «Оналарни асранг» достони шоир ижодида алоҳида ўрин тутди.


У шундай ёзган эди: «Мен онам ҳақида, унинг лаҳзалик қувончлари ва бошига тушган оғир мусибатлари, қисқа ёшлиги ва эрта сочи оқаргани тўғрисида ёздим. Мен унинг мотам кунлари кўк-қора рангга бўялган рўмоли тўғрисида ёздим. Кейин оналарнинг аллалари ҳақида, уларнинг бешиқдан қабргача айтган қўшиқлари тўғрисида ёздим. «Қим онаси айтган аллани унутса, она тилини ҳам унутди», дер эди отам. Ўзим эса дунёдаги учта қўшиқ ҳақида кўп гапирганман.

«АГАР МЕНИНГ ЎҒЛИМ ҲАЁТ БУЛГАНИДА...»

лик ҳақида кам ёзамиз, ёзганларимиз эса юзаки. Гўё бу туйғу фарзандларда ўз-ўзидан пайдо бўлаверади. Ва лекин кимки онасини унутса, у кимса Ватанга ҳам ҳеч иккиланмай хиёнат қилиши мумкин».

Азиз ўқувчи, Ватан ҳимояси кенг қамровли эканини яхши биласиз, албатта. Ватан ҳимояси бу сарҳад ё худуд, кўп миллионли халқнинг ҳимоясидан иборат эмас. У миллатнинг энг яхши анъаналари, қадриятлари ва яна энг муҳими, она тилининг ҳам ҳимоясидир.

«Менинг Доғистоним»да Расул Ҳамзатов шундай ёзган эди: «...бошқа бировлар менинг кам сонли халқимнинг тилини қашшоқ деб айтишса айтишар. Лекин мен ўз туйғуларимни, фикрларимни ўз она тилимда қандай хоҳласам шундай



Одамзот яратган учта қўшиқ бор, Уларда жо шодлик ва ғамли палла. Улар бир-бирини қилишмас такрор, Биринчиси – она қуйлаган алла! Иккинчисини ҳам оналар айтар, Ўғлин сўнгги йўлга кузатган пайтлар, Унинг ғиғонидан титраб бўшиқлар...

Учинчиси – қолган барча қўшиқлар. Расул Ҳамзатовнинг ОНАси... Улар оддий тоғлик аёллар, оналар. Дунёда одамлар турфа тилларда сўзлашади. Ранги, ирки, эътиқодлари турлича. Аммо уларни бир буюк туйғу бирлаштиради – меҳр! Онанинг фарзандига бўлган меҳри, фарзанднинг онага бўлган меҳри.

Шоир шундай ёзган эди: «Биз болаларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаймиз. Аммо биз онапарвар-

ифодалай оламан, бунинг учун мен бошқа тилнинг ёрдамига муҳтож эмасман...

Майли, қашшоқ бўлсин, майли, беҳашам,

Лекин менинг учун азиз ва суюк. Жаҳон минбаридан янграмаса ҳам,

Она тилим менга муқаддас, буюк».

Ҳа, шоир ана шундай оташин муҳаббат билан қалбларни забт этди. Ва шу тариқа Доғистон кўнгилларга кўчди. «Менинг Доғистоним»да она тили ҳақида ибратли бир воқеа келтириладики, мен уни тўлиғича келтириб ўтишни лозим топдим.

«ЁН ДАФТАРЧАДАН: Парижда доғистонлик рассомни учратиб қолдим. У инқилобдан кейин Италияга кетган, ўша жойда уйланган ва юртига қайтмаган. Тоғликлар анъанаси бўйича тарбия кўрган доғистонликнинг янги мамлакатга қўниқилиши қийин кечибди. Дунё бўйлаб кезиб чиққан рассом охири гўзал пойтахт шаҳардан кўнин топибди. Аммо қайда кезмасин, соғинч ажралмас йўлдош бўлибди. Мен бўёқлар орқали суратларга кўчган соғинчнинг кўрғим келди ва рассомдан ижод намуналаридан кўрсатишини сўрадим.

Рассом «Ватан соғинчи» суратини кўрсатди. Унда италян аёл (рассомнинг хотини) қадимий аварликлар қилимда тасвирланган. Аёл тоғдаги буёқ ёнида, қўлида готсатлинлик усталар тайёрлаган қумуш кўза. Тошлар орасидаги овул қайғули – қора рангда, ортидаги тоғ ҳам қорамтир. Чўққиларни туман қоплаган.

– Туман – бу тоғларнинг кўз ёши, – дея изоҳ берди рассом. – Тоғ ён



ИННОВАЦИЯ
Мақоланинг аудио шаклини тинглаш учун QR-кодни сканер қилинг.

бағридан туман сузиб ўтганда, қоялар устида томчилар пайдо бўлади. Туман, бу – мен.

Бошқа расмда тиканли бута шохидида ўтирган қуш тасвирланган. Бундай тиканли бута – чангаллар, тошлар орасида ўсади. Қуш сайрапти, уйнинг деразасидан ғамгин таниш аёл қараб турибди. Менинг суратга қизиқиш билан қараб турганимни кўрган рассом тушунтиришга уринди:

– Бу сурат қадимий авар афсонаси асосида яратилган.

– Қандай афсона?

– Қушни ушлаб, қафасга солишади.

Қафасга қамалган қуш кеча-ю кундуз фақат битта сўзни такрорлайверган: Ватан, Ватан, Ватан... Мен ҳам ўтган йилларда фақат шу сўзни такрорладим. Қушни ушлаб турган киши ўйга толди: «Унинг Ватани қандай экан, қаерда экан? Эҳтимол, жаннат қушлари ва жаннат дарахтлари бор гуллаб-яшнаган бир ўлкадир. Яхшиси қушни қўйиб юбориб, қайси томонга ўчишини кузатайин. Менга қушча мўъжизавий мамлакат йўлини кўрсатар». У олтин қафаснинг туйнугини очди, қуш озодликка чиқди. Қуш ўн қадамча учиб, силлиқ тошлар орасида ўсган чангал шохига кўчди. Шу чангал шохлари орасида қушнинг уяси бор экан... Мен ҳам ўз Ватанимга қафаснинг деразасидан тикилиб турибман, – дея ҳикоясини тугатди рассом.

– Нега унда ўз овулингга қайтмаяпсан?

– Энди кеч. Ўз вақтида мен Ватандан қайноқ юрагимни олиб кетгандим, энди унга кексайган суягимни олиб қайтаманми?

Париждан қайтганимдан кейин рассомнинг қариндошларини излаб топдим. Ҳайратланарлиси, унинг онаси ҳали ҳаёт экан. Онасининг уйига тўпланган қариндошлари ўз Ватанини ташлаб кетиб, уни ўзга ерларга алмашган ўғил ҳақидаги ҳикояни ғамгин тинглашди. Улар адашган ўғилни кечиргандай бўлишди, тирик эканидан суюнишди. Шунда бирдан онаси сўраб қолди:

– Сизлар аварча сўзлашдингларми?

– Йўк, биз таржимон ёрдамида гаплашдик. Мен русча гапирдим, у французча.

Она юзига қора чодрасини туширди, бизда оналар ўз ўғлининг ўлганини эшитганди шундай қилишади. Уйнинг томига ёмғир томчиларди. Биз Аваристонда ўтирардик. Эҳтимол, ҳозир дунёнинг нариги четидаги Париж шаҳрида Доғистоннинг адашган ўғли ҳам ёмғир томчилари овозини тинглаётгандир. Узоқ жимликдан кейин она деди:

– Расул, сен янглишибсан, менинг ўғлим аллақачон ўлган экан. Агар менинг ўғлим ҳаёт бўлганида, авар онаси ўргатган тилни унутмаган бўларди».

«Менинг Доғистоним» гўзал панднома, мардона асар! Бу китоб ҳар бир хонадоннинг кўнгли мулки бўлишга арзийди. Азиз юрт ҳимоячилари, бу асарни фарзандларингиз билан ўқинг, шояд Ватанга буюк муҳаббат тимсоли бўлган бу асар ўзбек хонадонига улғаяётган ўғлон ё қиз қалбига оташ солиб, Расул Ҳамзатовдан ҳам улуғ куйчиларни камол топтирса.



Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»

ЭЪТИРОФ

“ Ўзбекистон – ёшлар мамлакати. Бу мамлакатда юртимиз шону шавкатини дунёга таратаётган иқтидорли, истеъдодлилар, Ватан тараққиёти учун жон қуйдираётган ўғил-қизлар жуда кўп. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгашида миллий маънавият, маданий мерос ва умуминсоний қадриятлар негизда юксак ватанпарварлик, халқпарварлик, фидойилик туйғуси ва меҳнатсеварлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, Ватанимиз обрўси, шон-шўхрати ва шарафини юксалтириш ҳамда унинг халқаро нуфузини ошириш йўлида хизмат қилаётган, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб, намуна кўрсатаётган ана шундай ёшларга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонини топиширишга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, турли вазирлик ва мутасадди ташкилотлар масъул ходимлари иштирок этди.

Мукофот – рағбат дегани. Мана, бир неча йилдан бери жамиятнинг фаол ёшларига тақдим этилаётган «Ўзбекистон белгиси» ҳукуматимизнинг уларга бўлган юксак

ФАОЛ, ИЗЛАНУВЧАН ВА ТАШАББУСКОР ЁШЛАР

«Ўзбекистон белгиси» билан тақдирланди



ишонч ва эътиборининг ёрқин намунасидир. Ҳа, юрт қорига ярашни муқаддас бурч деб билган ўғил-қизлар мана шундай эътирофга, рағбатга лойиқ. Зотан, бугун улар таълим, спорт, санъат, маданият каби соҳаларда жаҳон ҳамжамиятини ҳайратга солмоқда. Қадамидан ўт чақнаб, ёруғ келажак сари дадил одимлаяпти, янги-янги ғояларни, ташаббусларни илгари суриб, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Кўтаринки руҳда ўтган тадбирда жами 41 нафар ёшлар мукофотланди. Улар

орасида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши ҳарбий қисмлардаги бошланғич ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи подполковник Отабек Юлдашев ҳам бор.

– Жудаям хурсандман. Мукофот менга қанот, шижоатларга ундовчи илҳом бўлди. Бунда, албатта, менга таълим-тарбия берган ва йўл-йўриқ кўрсатган устозларимнинг, ҳар доим қўллаб-қувватлаган яқинларимнинг, ҳиссаси бекиёс. Фурсатдан фойдаланиб, уларга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Бугунги кун ҳаётимда ёрқин лаҳзаларни инъом қилгани билан бутун умр хотирамга муҳрланади. Бу эътироф аввало, ишонч дегани. Шундай экан, менга билдирилган юксак ишончни шараф билан оқлашга ваъда бераман, – дейди О. Юлдашев. – Она Ватаннинг буюк келажаги ва бахту иқболи учун жон қуйдириш, тинчлигини, осойишталигини авайлаб-асраш юксак шарафдир. Мен муқаддас юртимнинг тинчлигига камарбаста эканлигимдан бахтиёрман. Шу юрт фуқароси, Ватан ҳимоячиси сифатида бундан буён ҳам эл-юрт осойишталигини таъминлашга қаратилган фаолиятимда бундан-да юксак натижаларга эришиш учун бор куч ва имкониятларимни сафарбар этаман.

Майор Г. ҲОЖИМУРОВА

2 июль – Ўзбекистон Республикаси давлат герби қабул қилинган кун

ҒУРУРИМИЗ ТИМСОЛИ

“ Тарихимиз ва миллий қадриятларимиз мазмун-моҳиятини ўзида мужассам этган давлатимиз гербининг айни кўриниши 1992 йилнинг 2 июлида қабул қилинди ва бу кун халқимиз озодлигининг яна бир тимсоли сифатида тарихдан жой олди.

Герб ўтмишда давлат тамғаси сифатида номланган ва жуда улуғланган. Аждодларимиз давлат тамғасини азалдан муқаддас тимсол деб билган. Маҳмуд Қошғарий «Девону лугатит турк» асарида тамғани «подшоҳнинг ҳукмдорлик тамғаси ва муҳри», деб изоҳлайди. Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» китобида ёзилишича, XIII-XV асрларда Ўзбекистон ҳудудида савдо қарвонларидан олинадиган солиқ «тамға солиғи» деб аталган.

Соҳибқирон Амир Темур тамғасида «Куч – адолатда» маъносини

англаувчи ёзув муҳр бўлган. Амир Темур яратган марказлашган давлатнинг герби уч халқа шаклида тасвирланган бўлиб, Соҳибқироннинг юришларида уни лашкар олдида олиб юрган. Давлат тамғаси халқимиз ҳаёти ва миллий давлатчилик тарихимизда озодлик, ғурур-ифтихор ва ор-номус тимсоли бўлганидан, боболаримиз уни муқаддас ва азиз санаганлар.

Ўзбекистон Республикасининг давлат герби гуллаган водий узра чараклаб турган қуёш тасвиридан ҳамда сўл томонида бўғдой бошоқлари, ўнг томо-



нида очилган пахта чаноқлари тасвири туширилган чамбардан иборат.

Гербнинг юқори қисмида республика жипслигининг рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган ва унинг ичида жойлашган ярим ой ва юлдуз ислом динининг қутлуғ рамзидир.

Гербнинг марказида ҳиммат, олижаноблик ва фидойилик тимсоли бўлган афсонавий Ҳумо қуши қанотларини ёзиб турибди.

Гербнинг пастки қисмида рес-

публика давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бандига «O'zbekiston» деб ёзиб қўйилган.

Гербимиз тасвири муҳрларда ва давлат идоралари бланкаларида, расмий нашрларда, қоғоз ва танга пулларда, қимматли қоғозлар ва фуқаролик паспортида ҳамда қонунда белгиланган бошқа ҳужжатлардан жой олмоқда.

Ўзбекистон гербининг давлатимиз чегараларида ўрнатилиши мустақил Ватанимиз тенглар ичра тенг бўлганининг ёрқин далилидир.

Бугун Ўзбекистон ёшлари спорт, санъат, илм-фан ёки бошқа йўналишда халқаро майдонда ғалабада эришар экан, байроғимиз баланд кўтарилиши ва мадҳиямиз баралла янграши билан бирга, гербимиз ҳам эришилган ғалабага муносиб ўрин эгаллайди. Шундай лаҳзаларда мустақиллигимиз қадр-қимматини, мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталикнинг аҳамиятини янада чуқурроқ англаймиз.

Бир сўз билан айтганда: Ўзбекистон герби – миллатимиз ғурури!

Аброр ШАХЛАСОВ,
«Маърифат» тарғиботчилар
жамияти
Самарқанд вилояти бўлими
бош мутахассиси

ҚАРОР ВА ИЖРО

ТИЛ МИЛЛАТ РУҲИНИ ИФОДА ЭТАДИ

Дунёда ҳар хил одамлар, турли элат ва миллатлар, урф-одатлар мавжудки, уларнинг ҳаммаси ўз манфаатлари, кадр-қиммати, шунингдек миллий қадриятларини ҳимоя қилиб яшайди. Бу уларнинг бошқа миллат вакиллари орасида ўзига яраша ҳурмати ва ўрнини белгилайди.

Ўзликни англаш, миллий онг ва миллий тафаккур ривож, аждодларнинг бой меросини ўрганиш миллат тили орқали амалга оширилади. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 январдаги «Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан юртимизда давлат тилини

ривожлантириш, унинг мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган қатъий саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан юксалтириш, мамлакатимизда давлат тилининг тўлақонли жорий этилишини таъминлаш йўналишидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилиб, вазирлик ҳамда

идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилди. Мақсад тилга эътибор ва эҳтиром орқали миллатсеварлик, ватанпарварлик, бир сўз билан айтганда, эзгуликни тарғиб қилиш, юзага чиқаришдир.

Бу борада Мудофаа вазирлиги қўшинларида ҳам амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, вазирлик ва унинг тузилмавий бўлимларида иш юритишнинг давлат тилида олиб борилиши қатъий назоратга олинган. Бундан ташқари, барча раҳбарий ҳужжатлар давлат тилида ишлаб чиқишига алоҳида эътибор қаратилган.

Жорий йилнинг шу давригача Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий қисм ва муассасаларнинг жанговар-хизмат фаолиятига тааллуқли бўлган 48 қисмдан иборат 23 та низомий ҳужжат давлат тилига ўгирилиб, 8 ярим мингдан ортиқ нусхада чоп этилди ва қўшинларга фойдаланиш учун юборилди.

Ҳарбий хизматчиларнинг давлат тили борасидаги билимларини ошириш учун ҳам алоҳида ўқувлар ташкил қилинмоқда. Жумладан, улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 3 мартдаги қарори билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузурида ташкил этилган «Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази»да сабоқ олмақдалар.

Давлатимиз раҳбари айтганидек, ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор, деб давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоида-сига айлантиришимиз керак.

Мансуржон МЎМИНОВ,
мудофаа вазирининг
маънавий-маърифий ишлар
самарадорлигини ошириш,
давлат тили тўғрисидаги қонун
ҳужжатларига риоя этилишини
таъминлаш масалалари бўйича
маслаҳатчиси

ҚАДИМГИ ҲАРБІЙ АТАМА ВА СЎЗЛАР

СЎЗЛИК

Симол – дарранинг каттаси, жазо ашёси.

Сипар – зирх.

Ситом – отнинг эгар-жабдуқлари.

Солдов – оғир юкни елкалаб тортишга мосланган арқон.

Солчи – ошпаз.

Соғун – табиб, ҳаким, шифокорнинг туркий атамаси.

Сукут – ҳужжат, гувоҳнома. Айсукут аскар гувоҳномаси.

Сўйил – таёқ, қўл куроли.

Султон – арамей тилидан, ҳукмдор. Шоҳларнинг бош кийимига ўрнатиладиган шоҳлик белгиси.

Сумба – милтиқнинг стволини, нилини тозалайдиган асбоб, «шмпол». Тўппончада «протирка».

Сунғу – найза, санчки.

Сурук – тўда, гала, сурув.

Сўюрғол – ҳарбийларга инъом қилинган ер.

Тахи (йн) – ҳозир «прежевальский» деб аталиб кетган отнинг қадимий туркий номи.

Талак – омборхона, омборхона вазифасини бажаришга ажратилган уй хоналаридан бири.

Танқол – қўшинлар йиғиладиган жой.

Тарус – тикон, шип.

Тархон – озод, аслида солиқлардан озод қилинган киши.

Тегин – шаҳзода, қадимий турк ёзувларида бор. Туркий уруғлардан бири бўлган, деган тахмин ҳам бор.

Тепкинги – эгардан узангигача бўлган чарм ип, бог.

Тобин – будун, фуқаро, ватандош, юртдош,

Той, тўй – аскарларнинг тураржойи.

Толум – қурол.

Тузук – низом, қонун.

Тулум – бирор ҳайвоннинг терисига сомон тикиб, унинг шаклини ясамоқ, русчаси «чучело».

Туркум – отряд.

Тутгақ, тутғоқ – душманни тириклай тутиб келувчи.

Тўлғов – ҳарбий уруш усули.



Тўлуй – ойна, кўзгу, нур, аксланиш, ялтираш, ёритиш, Чингизхоннинг кенжа ўғлининг исми.

Тўра, туро – одам бўйи қилиб ишланган қалқон, ҳозирги ҳарбийлар ишлатадиган катта шит.

Узий – Днепр дарёсининг туркий номларидан бири.

Укрюк – уюрдан от ушлайдиган сиртмоқ таёқ.

Укулка – ҳарбий юриш пайтида қўшинга бериладиган қўшимча маош, маошнинг бир неча маротаба ошириб берилиши.

Улчи – ўрнак, намуна.

Уртук – сафарларда тўшак устига кийдирадиган филоф.

Хампа – омбор.

Чабга, чова, чўба – идиш, русчаси «канистра».

Чаноч – қўрқоқ, журъатсиз, «саноч» ҳам дейилади, чармдан ясалган халта, ёй ўқи солинадиган идиш.

Чаҳа – бир-бирига уриб, учқун чиқарадиган тош.

Черик – қўшин, аскарлар йиғини, ҳарбий куч.

Чобук – отик, хушёр, сезгир.

Човуш – қўшин етакчиси, сафга ўргатувчи офицер.

Чоповул – жарчи.

Чўлмон – Кама дарёсининг туркий номи.

Шаданит – шиддат, ботирлик, дўст, унвон. Бу сўз Ўрхун – Энасой тошларида, Чингизхоннинг тарихи ёритилган 1240 йилда ёзилган китобда ҳам бор.

Шиква – билдирги, ариза, шиквачи «шикоятчи» маъносидда.

Эм – дори, даволаш тури.

Эмбака – ҳамшира, овертма.

Эшқинчи – тез юрак, отли, чопар, хабарчи.

Ясо, Ясоқ – қоида, қонун.

Ўрду, ўрда – қароргоҳ, лагерь.

Ўтачи – табиб (маслаҳат берувчи).

Ўқмон – ҳаракат зарби.

Ўтоға – бош кийимига тақадиган жиға, русчаси «кокарда», ўтоғасини белгилаб турадиган белги, ўт, олов бошлиғи, умуман, бошлик.

Қавзанак – тушлик ва кечлик орасида соат 3-4 ларда бериладиган таом.

Қалтоқ – эгарчи, эгар асбоб ясайдиган уста.

Қат қилмоқ – кечиб ўтмоқ.

Қамт – бирга, юзма-юз.

Қаптол, қаптолида – ён, ёнида, қулай жойида, қулай вақтида.

Қат – кечув жой.

Қатол – ўта муҳим, ўта шошилиқ.

Қирағай – ўта мерган.

Қурч – бронза.

Қутр – диаметр.

Ғул – қўшиннинг асосий қисми.

Истеъфодаги полковник

Маҳмуд Йўлдошев,

Қурулли Кучлар академияси Гуманитар
фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

ТАШРИФ

«Иккинчи жаҳон уруши тўғрисида қанча-қанча оналар, аёллар бева, гўдаклар етим қолди. Алп йигитлар жангдан қайтмаган бўлса-да, шаҳид кетди, ғолиб кетди. Уларнинг жасорати ҳақида кино қилсак, асар ёзсак, ҳаммаси ишончли, жонли чиқади. Яқинда экранларга чиққан «Илҳақ» бадиий фильми фикримиз исботидир. Айниқса, ундаги она – Зулфия Зокирова образи юракларимизни сел қилади. Бу ролни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, актриса ва драматург Дилором Каримова маҳорат билан ижро этган. Қуйида актриса билан фильм олиш жараёни, умуман, кино санъати ҳақидаги суҳбатимизни ҳавола этамиз.

«МЕН «ИЛҲАҚ»ДА РОЛЬ ЎЙНАМАДИМ, УНДА ЯШАДИМ...»

– Дилором опа, аввало, яхши фильм билан сизни табриклайман. Эшитишимизча, Зулфия Зокированинг ҳаётини ижро этиш учун рақобат катта бўлган. Саккиз нафар таниқли актриса кастингга ҳужжат топширган. Бироқ бу ижро сизга ишониб топширилди. Аввал Зулфия опа ҳақида эшитганимиз?

– Раҳмат. Рақобат катта бўлгани рост. Фильмнинг яхши ишланганининг сабаби жамоа аҳил эди. Киришиб кетишим ҳам қийин бўлмади. Зафар исмли йигит телефон қилиб чақирганди. Телефондаги самимий овози, муомаласи ёқди-да, эртасига тасвирга олиш майдонида бордим. Режиссёр Жаҳонгир Аҳмедовнинг жамоа билан ишлаш бўйича тажрибаси анча юқори экан. Зулфия Зокирова ҳақида эшитмаганман. Сценарийни қўлга олдим, кейин у аёлнинг суратини кўрдим, характери ўрганиб чиқдим. Зулфия ая менга бегона туюлмади. Юрагимга ўрнашиб, минг йиллик кадрдонимдек туюлди. Ўзим 1948 йилда туғилганман. Уруш тугаган бўлса ҳам, одамларимиз тилида унинг даҳшати ҳали кетмаганди. У қолдирган яралар битмаганди. Шу нафас, шу муҳит билан ўлғайганмиз. Шунинг учун бўлса керак сценарийга шундай киришиб кетдимки, бу тақдир менинг ҳаётимга айланди. Фильм суратга олингандан сўнг сочларимда оқ кўпайди, ажинларим куюқлашди. Мен бу кинода роль ижро этмадим, унда давтун вужудим билан яшадим.

– Ўша давр кўзи билан қараганда, Зулфия ая Зокированинг тақдири минглаб аёлларнинг бошига тушган. Бир тарафдан оддий ҳолдек, гўё. Бироқ бугунги авлод учун ўрнатилган вазифасини ўтайди. Фильмда асосий урғу ватанпарварликка қаратилган. Фильм уруш даврини қай даражада очиб берган?

– Миллат ва она замин руҳи ҳамиша уйғоқ бўлади, деган ҳикмат ўқигандим бир китобда. Шундай руҳи бор, юрагида ватанпарварлик туйғуси жўш урган инсонларнинг ҳаётини санъат кўрсатиб беради, юзага олиб чиқади. Болалигимда осмонда самолёт учса, кўрпанинг тагига беркинардим. Уруш бошландимикан, деган кўркув бор эди-да. Уруш ҳақида кинолар кўрдик, асарлар ўқидик. Бора-бора Ватан жондан азиз эканлигини тушуниб, ҳис қила бошладим. Ҳа, уруш даври аёлларининг қисмати бир эди. Метин иродаси, тоғдек сабри билан машаққатларни мардонавор енгган бу аёллар ҳаммамиз учун ўрнак, ибрат.

Сўнгги йилларда урушнинг бор ҳақиқатини очиб берадиган кинолар ишланмай қўйилган эди. «Илҳақ» эса ҳаммамиз кутган, ватанпарварлик туйғусини оширадиган кино бўлди, назаримда.

– Ўзингиз ҳам режиссёрсиз. Жаҳон кино оламида уруш мавзусида юзлаб фильмлар олинган. Масалан, «Солдат отаси» деган кино гурузин халқининг маданиятини тўла очиб берган. Ёки «Йўл-йўл пижамали бола», «Пианист» кабиларни мисол келтиришимиз мумкин. Айтинг-чи, «Илҳақ» жаҳон кинолари билан беллаша оладими? Назаримда, тўмтоқ жойлари кўпдай. Дейлик, Зулайхо-



нинг бирзумда ақлдан озиши каби ҳолатларда камчилик кўзга яққол ташланади...

– Гапингизда жон бор, лекин бу режиссёрнинг айби билан бўлмаган. Сабаби, фильмнинг кўп кадрлари олиб ташланди. Шунинг учун тўмтоқ жойлари сезилган бўлиши мумкин. «Илҳақ» жаҳон кинолари билан беллаша олади-олмайди, деёлмайман. Лекин шунини ишонч билан айтманки, у ўзбек характери кўрсата олди. Масалан, келинларининг бирортасиям турмушга чиқмасдан, оиласининг шаънини сақлаб, вафо ва садоқат тимсолига айланиши ўзбек характери очиб бера олган, деб ўйлайман.

– Фильм давомида келинларингиздан бири Ҳидоят: «Ойи, сутни маҳаллага эмас, болаларга берайлик, улар тўйишмаяпти!..» деганда, «Уялмайсанларми, Ҳидой, болаларингизнинг оғзидан сўт ҳиди келиб турса, маҳалладагиларнинг олдида қандай одам бўламиз?!» деган гапингиз бор. Ўша давр ҳолатидан келиб чиқиб гапирадиган бўлсак, бу гапни айтиш одамдан жасорат талаб қилади. Фильмда сизга қайси жараённи ижро этиш қийин кечди?

– Биласизми, бу ролни ижро этишда қийналмадим. Аммо жараёнларни ижро этишда кадр ортида йиғлаб-йиғлаб олдим. Келинларнинг бошини бир жойга жамлаш қийин эди. Мен йиғласам, улар баттар эзилди. Уларга қаттиқ гапириб қўйиб, ўзим эзиламан. Айниқса, «тенгинлар чиқса, турмушга чиқаверинглари. Мен сизлардан розиман. Ўғилларимнинг ҳеч бири урушдан қайтмади», деган гапидан кейин, катта келиним белбоғ олиб келиб боғлаган жойида ҳам фахр, ҳам алам кўршаб олди. Сахар туриб, дарё бўйига чиқиб, тўкилиб-тўкилиб йиғлаб олдим. Кейин режиссёр: «Дилором опа, нима қиялпсиз? Кадр олинди бўлди. Йиғламасан, толиқиб қоласиз!» деди. Лекин бу ролни йиғламасдан ижро этиб бўлганида эди...

– Кинода ҳар бир деталда бошқа бир деталга ишора бор. Почтачининг елкасидаги папка фақат «қорахат» олиб келади. Уни кўришлари билан одамлар тобутни кўргандай титрашади. Уруш тугаган бўлса-да, қишлоқда бонг урилиб турганини қандай изоҳлайсиз?

– Фильмда ҳаттоки, кийимдаги ранглари ҳам бирор маънони аңглатади. Ҳар жиҳатда ишора бор. Почтачига келсак, унинг тили кўлидаги папкаси



ИННОВАЦИЯ

Мақоланинг аудио шаклини тинглаш учун QR-коднинг сканер қилинг.



эди. Унинг папкаси сўзлаган. Ҳамма нарсадан тўйиб кетган пайтда эса темир билан бонг уриб келарди. Кино сўнггида урушдан кейин ҳам бонг овози эшитилгани, қишлоқда ҳали тўла тинчлик ўрнатилмаганига, уруш хавфи борлигига ишора эди.

– Фильмдаги кўчма сюжетларга қандай баҳо берасиз? Аксарият уруш билан боғлиқ киноларда раиснинг ўғли урушга бормайди. Эри урушдан қайтмаган бева раисга турмушга чиқиб олиши каби кадрлар бошқа киноларни эсга солмайdimи? Умуман, керакмиди шу жиҳатлар? Давр муҳитини бусиз очиб бериб бўлмайdimи?

– Мураккаб давр эди. Зулфия ая беш ўғлидан бирортасини урушдан олиб қолмаган. Фақатгина раис ўғлини олиб қололди. Қолганлар иложсиз эди. Зулайхонинг онаси раисга турмушга чиқиши масаласига келсак, очлик, муҳтожлик мажбурлаганди уни. Аёл шу йўл орқали фарзандларининг қорнини тўйдиради. Аҳамият берсангиз, ҳатто енгилтак аёл ҳам раиснинг урушдан қочиб келган ўғлига жинни бўлиб қолган қизи Зулайхони бермайди. Шу кадрлар орқали муҳит яна-да, яхши очилган. Салбий образ олдида самимий образлар ёрқинроқ кўринади.

– Санъат инсонни тарбиялай оладими? Тарбияласа, шунча кўнгилсизликларга сабаб нима, деб ўйлайсиз?

– Агар инсонда кўнгил, виждон бўлмаса, ҳеч қандай санъат уни тарбиялай олмайди. Инсоннинг қалб кўзи уйғоқ бўлмас экан, ҳеч бир санъат унинг қалбини уйғота олмайди.

– Энг арзон ва узоқ давом этадиган роҳат мутолаа завқидир, деган эди инглиз ёзувчиси. Дарҳақиқат, китоб – бебаҳо хазина. Дилором Каримованинг уйда қандай хазиналар борлиги биз учун қизиқ...

– Ёшлигимиздан китобга ошно бўлиб ўсганмиз. Ота-онам доим янги китоблар совға қилишарди. Қолаверса, актриса бўлиш учун катта хотира талаб этилади. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонини тўлиқ ёдлаб чиққанман. Ўзбек ва жаҳон адабиётини тенг кузатиб бораман. Масалан, яқинда Габриэль Гарсиа Маркеснинг «Бузуқнинг кузи» асарини ўқиб тугатдим. Унда ҳокимият ташкил топишидан таназулга юз тутишига қадар воқеалар ёзилган. Ҳар қандай раҳбар учун зарур китоб. Қарилик ўз кучини кўрсатиб, ўқиган китобларим ёдимдан кўтарилиб борапти. Шунинг учун кундалик тутиб ёзиб қўйяпман. Дафтарни очишим билан китоб ёдимга тушади. Китоблар менинг доимий ҳамроҳим ва кадрдон дўстларимдир.

– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

Шоҳсанам НИШОНОВА
суҳбатлашди.



ХОТИРА МУҚАДДАС

...Кўзини очганда қоронғиликдан бошқа нарсани кўрмади. Боши зирқираб оғирди. Оёқ-қўли худди йўқдек. «Ўлган бўлсам керак, – бирданига ҳаёлига келган фикрдан сергак тортиди. – Йўқ, ўлган одам оғриқни ҳис қилмайди». Шуури тиниклашди. Охирги жанг худди кино лентасидай кўз олдида ўта бошлади: улар Марки қишлоғини фашистлардан озод қилишгаётганди. Қўллари баланд келиб қуролдош дўстлари билан бир-бирини қутлагани ҳам ёдида.

Ҳеч қутилмаганда бирдан ёнгинасида бомба портлади... У ёгини эслолмайди. «Ишқилиб, оёқ-қўлим соғмикан?» Йигит ўрнидан турмоқчи бўлди. Лекин устини босиб турган тупроқ оғирлик қилди. Нафаси қисилди бошлади. Агар яна бироз шу ерда қолса, ўлими муқаррар эканлигини англаган жангчи минг машаққат билан аввал қўлини тортиб олди. Кейин устидаги тупроқни ҳар томонга суриб тепага чиқа бошлади. Лекин оёқларини тупроқдан тортиб олишга мажболи қолмади. «Ёрдам... Ёрдам берингла...ар!» Ноилож қолган йигит атрофга умидвор кўз тикди. Теварақда бир зог кўзга ташланмаганидан кейин бор кучини тўплаб, тупроқдан чиқишга уринди. Лекин бирдан бошида кучли оғриқ турди, кўз олди қоронғилаша бошлади ва яна ҳушидан кетди...

«Уруш бошланибди. 30 ёшгача бўлган йигитлар армия сафларига чақирилар экан». Бу хабар қишлоқда яшин тезлигида тарқалди. Орадан икки кун ўтиб, йигитларни аскарликка олиш бошланди.

– Вой ўлмасам, энди нима қиламан? – Қумушбиби опанинг ҳуши бошидан учди. – Икковингни ҳам урушга олиб кетишадими?

– Нега бунча кўрқасиз, она? Ахир мен 30 ёшдан ошганман-ку! Мени урушга олишмайди, – деди Мухаммаджон онасини юлатиб. – Ундан кейин колхоздаги ҳамма эркаклар урушга кетса, бу ердаги ишларни ким қилади? Ҳадиябой ўғлингиз ҳам урушга кетмайди. Мен ҳайдовчи бўлсам, у ҳам ўқимишли – колхозга керакли одам.


Аслида Мухаммаджонни ҳам район ҳарбий комиссариатида чақирган, «Ёшингиз катта экан. Майли, ҳозирча ишлаб туринг. Агар кадрлар бутлашда етишмовчилик бўлса, сизни ҳам урушга жўнатишга мажбурмиз», дейишганди. Лекин бу ҳақда онасига айтиб бўладими? Ҳозирданоқ тушкунликка тушиб ўтирган аёл бу гапни кўтара олармиди?

– Жуда кўрқяпман, болам. Сизларни урушга жўнатиб, мен қандай яшайман? – дея онаси кўзларига ёш олди. – Иккинчизини камолнингизни кўрсам, дейман-да. Илоҳим, ортимда қолинглар. Урушни ким чиқарган бўлсаям, оти ўчсин!

Шу кундан бошлаб қачон Қумушбиби опа урушдан сўз очгудек бўлса, Мухаммаджон онасига тасаллони берарди. Содда аёл ростида ҳам ҳунари бор, билимли йигитлар урушга юборилмайди, деб ишонди. Лекин қишлоқда кўзга кўринган эркак зоти борки, рўйхатга олинганлигини эшитганда юраги нотинч уриб, кўрқув ҳисси бутун вужудини

ЭТАСИГА БЕРИЛМАГАН «ҚОРАХАТ»

ёхуд жасур жангчи Ҳадиябой Муродов ҳақида очерк



қамраб оларди.

Қумушбиби опанинг кўрқуви бежиз эмас экан. Қишлоққа ғам-ташвиш соя ташлаган шундай кунларнинг бирида катта ўғли Мухаммаджонга чақирув қоғози келди. Ана энди аёлининг ҳолатини тасаввур қилаверинг. Кўзининг оқу қораси бўлган фарзандини ўлим чангалига юбориш онага осон дейсизми?! Бу муҳорабадан тирик қайтиш пешонасида бўлса-ку, қайтар, агар қайтмаса нима қилади? Бу ёқда келини учинчи фарзандини дунёга келтириш арафасида бўлса. Наҳот, келинининг тақдири ҳам уники сингари бўлса?! Сўнгсиз саволлар, оғир ўйлар гирдобиди қолган аёлининг сочлари бир кечада оқариб кетди...

КУЗАТИШ

Қумушбиби опа Ҳадиябойни Мухаммаджондан кейин талаб-талаб, ўн икки йил деганда дунёга келтирган эди. Лекин тақдирнинг ҳукмини қарангки, Ҳадиябой бир ёшга тўлгандан турмуш ўртоғидан ажралиб қолди. Шўрлик аёл куйди, ёнди, аммо начора. Шундан сўнг турмуш ташвишларини ўз гарданига олган Қумушбибининг кўрган қийинчиликлари бир ўзи ва Яратганга аён. У минг машаққатлар билан икки боласини оёққа қўйди. Уларни касб-ҳунарли қилди, ўқитди. Энди оғзим ошга тегди, деганда эса бу ташвиш...

Айрилиқ оғрикли, айрилиқ азоб. Қумушбиби опа бу оғриқни ҳис қилиб яшаётган кунларнинг бирида колхозда ишлаб юрган ўғли Ҳадиябойни ҳам излаб келишди. У бу хабардан тамоман гангиб, тўшака михланди. Шусиз ҳам кунларида, тўнларида ҳаловат йўқ аёлининг бир пуф дегулик жони қолганди, холос. Лекин онанинг жасоратини қарангки, ўғлини фронтга кузатишга ўзида куч топа олди.

– Жоним болам, душманга аёвсиз бўлгин. Ҳар доим ёдингда бўлсин, менга сенсиз ва акансиз яшаш осон бўлмайди. Тез-тез хат ёзиб тур. Шу илтимосини унутма!

Бошидаги рўмоли сирғалиб туш-

ганча поезд ортидан йиғлаб югураётган онасининг бу сўзлари, сиймоси Ҳадиябойнинг бир умр юрагига муҳрланди...

ФРОНТДА

Дастлаб Россиянинг Воронеж шаҳрида тайёргарлик кўришди. Ҳадиябой машғулотларда бутун диққат-этиборини машқларни пухта эгаллашга қаратди, жанговар қуролни тўла-тўқис ўрганди. У доим буюк саркарданинг «Машқда қийин бўлса, жангда осон бўлади», деган сўзларини эсида тутди. Ниҳоят, фронтга йўл олишди.

Уларнинг ротасига Дон дарёсини кечиб ўтиш ва душманга зарба бериш вазифаси топширилди. 1942 йил 17 июнь кунини рота дарёнинг ўнг қирғоғини кечиб ўтди. Душман билан аёвсиз жанг бошланди. Бу Ҳадиябойнинг тасаввуридagi ҳақиқий уруш эди. Улар ўзлари эгаллаган позицияни ўн саккиз кун мардонавор туриб, мудофаа қилдилар.

1943 йилнинг январь ойи. Воронеж вилоятининг Лисовский туманидаги Марки қишлоғини озод қилиш керак. Ҳадиябой хизмат қилаётган рота бир тепаликдан ошиб ўтаётганида фашистларнинг артиллерия ҳужумига дуч келди. Рота бор куч ва имкониятини ишга солиб, душманга қаршилиқ кўрсатади. Натижада ғаним аста-секин чекина бошлади. Ҳа, улар бу сафар ҳам ғалаба қозонаётган эди. Шу пайт қутилмаганда Ҳадиябойнинг ёнгинасида бомба портлайди...

Жангчи ҳушини тамоман йўқотиб, икки кун тупроқ остида қолиб кетди. Унинг жонига шу қишлоқлик кекса бир аёл оро қиради. Бу вақтда унинг номи вафот этганлар рўйхатига киритилади.

«ҚОРАХАТ»

Колхозга Ҳадиябой Муродовнинг урушда қаҳрамонларча ҳалок бўлганлиги ҳақида «қорахат» келади. Раис Ёдгорали ака мулоҳазали, ақлли инсон эди. У почтачидан бу хабарни эшитиши биланок колхоз фаолларини ёнига тўплаб, шундай деди:

– Бу ҳақда ҳеч кимга билдирмай турамиз. Ҳадиябойнинг онаси кекса, ҳам касалманд, бу ғамни кўтара олмаслиги мумкин. Эҳтимол, англашилмовчилик бўлгандир. Қани, кутайлик-чи. Уруш ҳали тугагани йўқ-ку!



«Қорахат»ни эса уйига олиб бориб, тоқчадаги чойнак ичига ташлаб қўйди...

Ўзи ҳақидаги гап-сўзлардан бе-хабар Ҳадиябой бу вақтда ҳарбий госпиталда даволанаётган эди. Бироз даволаниб, соғлиғини тиклаган йигит дарҳол уйига – онасига хат ёзиб, енгил яраланганлигини, ҳадемай яна фронтга қайтиши хабарини беради.

Ҳадиябойдан яна оиласига хат кела бошлаганини кўрган қишлоқ аҳли ҳайратда қолишади. Бу ҳақда кейинчалик унинг ўзига ҳам қулиб гапириб беришади. Дарвоқе, қишлоқда «Ҳадиябой бир ўлиб тирилганлардан» деган иборанинг пайдо бўлишига ҳам мана шу «қорахат» воқеаси сабаб бўлган эди...

СЎНМАС ЖАСОРАТ

Ҳадиябой урушда юзлаб фашистларни ер тишлатди. У нафақат Совет Иттифоқи ерларини, шунингдек, Руминия, Венгрия, Чехославкияни озод қилишда қатнашади. Фашизм устидан узил-кесил ғалаба қозонилгани тўғрисидаги хабарни Прагада эшитади. Урушда кўрсатган жасорати туфайли II даражали «Улуғ Ватан уруши» ордени ҳамда бир қанча медаллар билан тақдирланади. 1946 йилнинг январиди жонажон қишлоғига қайтади. Қумушбиби опа икки фарзанди ҳам уришдан соғ-омон қайтганидан шукрона айтади.

Ҳадиябой Муродов урушдан сўнг Тошкентдаги раҳбар кадрларни тайёрлаш курсида, кейин Фаргона педагогика институтининг Кимё-биология факультетида таҳсил олди. Оила курди. Турмуш ўртоғи Кўпайсин опа билан ўн нафар фарзандни воёга етказди. Бу ўғил-қизлар эса бугун ўқитувчи, шифокор, ҳисобчи, инженер сифатида юрт равнақи йўлида муносиб хизмат қилиб келмоқда. Зеро, яхши инсонларнинг фарзандлари ҳам ўзлари сингари бўлади, деб бежиз айтишмайди.

Майор
Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА

■ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ, АЛБАТТА, ЁШЛАР БИЛАН БИРГА ҚУРАМИЗ! ■

ЁШЛИК – ИМТИЁЗЛАР ПАЛЛАСИ

„...Гулистон шаҳри Фарҳод маҳалласида истиқомат қилувчи захирадаги сержант Баҳодир Жабборовнинг кенжа қизи Дилбар Холжигитова меҳнат, ғайрат, шижоатдан унумли фойдаланган ёшлардан.

«Ёшлик! Эҳтимол, бутун лато-фатнинг сири ҳамма нарсани уdda-лаш имкониятига эга эканлигинда эмас, балки ҳамма нарсани udda-лайман, деб ўйлаш имкониятига эга бўлганингдир», деган эди рус ёзувчиси Иван Тургенев. Ҳар гал шу сатрларни ўқиганимда, кўз олдимга Дилбар келади.

2014 йилнинг март ойи. Уни илк бор республикамизнинг кўплаб истеъдодли қизларини Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирлаш маросими арафасида кўргандим. Совриндор қизлар орасидан ўзининг гапга чечанлиги билан ажралиб турарди. Мана, орадан йиллар ўтди, у икки карра жаҳон, икки карра Осиё ва тўққиз карра мамлакат чемпиони бўлди. Мен Дилбарни «ушлаган жойини узмасдан қўймайдиган», халқимиз қадрлаган Тўмарис, Гулойим, Барчинойга ўхшатаман.

Кичкиналигидан спортнинг тхэквондо ИТФ тури билан мунтазам шуғулланиб, тенгдошлари орасида биринчилардан бўлиб жаҳон чемпиони бўлди ва Ўзбекистон байроғини жаҳон

аренасида баланд кўтаришга ҳисса қўшди. Ўзбекистон «Тхэквондо ИТФ» миллий ассоциациясининг махсус сертификати, қора белбоғ биринчи ДАН соҳибаси бўлди. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ўқиётган йиллари иқтидорли талабаларга таъсис этилган Навоий номидаги давлат стипендияси, сўнг Ислон Каримов номидаги Президент стипендияси соҳибасидир.

– Абдуқодир ва Ҳасан акам, отамга ҳавас қилиб, ҳарбий касбни танлади. Уларга ҳавасим келарди. Акам Абдуқодир Жабборов Ўзбекистон Қуролли Кучлари тизимида ишлайди, капитан. Отам ҳарбий бўлгани учун кўпинча хизмат сафари ёки ишда бўларди. Акам билан машғулотларни бирга бажарардик. Совуққонликни, чапдастликни ундан ўргандим. Айниқса, Таиландда ўтказилган жаҳон биринчилигида ҳам якка, ҳам жамоавий баҳсларда жаҳон чемпиони бўлишимда у кишининг ўрни бекиёс.

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Болалигимда тўполончи бўлганман, нуқул қўшнилариимиз



отамга шикоят қилиб чиқишарди. Бир куни акамдан ўрганган спорт машқларини қўшнимизнинг бола-сида синаб кўрмоқчи бўлиб, уни қаттиқ урганман. Шу воқеадан сўнг отам кўлимдан етаклаб мактабимизда очилган спорт тўғарагига олиб борган. Бунга ҳам ўн етти йил бўлди. Ушандаёқ ўзимни ҳақиқий спортчидек ҳис қила бошлаганман. Негаки, у ердаги муҳит, шарт-шароитлар, устоз ва мураббийлар сабоғи мени спортнинг сирли оламига олиб кирди. Жанг санъати сирларини мохир спортчидек

чаққон бажариш ва рақибни мағлуб этишнинг ўзига хос усулларини илк бора ўша ерда ўргандим. Бу спорт турининг ўсмирлар саломатлиги учун, хусусан, умуртқа поғонаси ва бошқа аъзоларининг соғлом ривожланишида ўрни катта. Спорт залида машғулотлардан ташқари ҳам тинимсиз машқ қилардим, чунки мураббийдан гап эшитишни хоҳламасдим. Тхэквондо мени батомом сеҳрлаб қўйди ва албатта, дунё танийдиган спортчи бўламан, деб аҳд қилдим, – дейди қаҳрамонимиз.

Дилбар нафақат спортчи, балки таржимон ҳам. Унинг инглиз ва рус тилларидаги бир қатор илмий мақолалари Германия, Россия, Англия, Украина, Чехия давлатларидаги илмий тўплам ва журналларда чоп этилди. Айни вақтда у Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгашида фаолият олиб боради.

У тенгдошларига ҳар жиҳатдан намуна. «Ёшлигини асра, ундан фойдалан. Дунёда ундан яхши палла йўқ. Ундан қимматли нарса йўқ! Эртага уни олтин каби истаган нарсада ишлатишинг мумкин. Ёшлигингда эришган ютуқларинг сабабли, келажакингга пойдевор қўя оласан», деган эди рус ёзувчиси Максим Горький. Дилбар мана шу ҳаётий ҳақиқатни ўзига шиор қилиб олган.

А. ЖОЛДАСБАЕВА

Тадбирлар қизгин давом этмоқда

„Марказий ҳарбий округ Самарқанд гарнизонига қарашли ҳарбий қисм қўмондонлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Самарқанд вилояти кенгаши ҳамкорликда «Ҳар бир ёшга эътибор!» шиори остида ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари ҳамда ногиронлиги бор фарзанд-ли ҳарбий оилалар ҳолидан хабар олишди.

Карантин қоидаларига риоя қилинган ҳолда ўтказилган учрашувларда ҳарбий оилаларга ижтимоий ёрдам ва маънавий кўмак берилди.

«Ёшлар ойолиги» муносабати билан болажонларга Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг совғалари топширилди.

– Икконияти чекланганларга ғамхўрлик қилиш, уларга кўмаклашиш халқимизга хос азалий қадриятлардан. Шу боис ҳам кучли ижтимоий ҳимоя, кам таъминланган оилалар ва ногиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб турмуш шароитини яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган, – дейди Ёшлар иттифоқи Самарқанд вилояти кенгашининг ҳарбий қисмлардаги бошланғич ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи капитан Ҳусан Ғозиев. – Бу каби хайр-саховатга йўғрилган тадбирларимизнинг барчаси «Ёшлар ойолиги»ни сермазмун ўтказиш ва Ёшлар кунини кенг нишонлаш юзасидан топшириқнинг ижросини таъминлаш мақсадига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ.
Мехрибон КОМИЛОВА
Самарқанд вилояти



ФАОЛЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

„Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги ҳарбий қисмларида Ёшлар куни доирасидаги тадбирлар карантин талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилди. Бу каби тадбирлар республикамизнинг чекка-чекка ҳудудларидаги ёшларни ҳам қамраб олди.

Қўмондонлик бошқарув аппаратида Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотлари етакчилари томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан 2020 йилнинг биринчи ярим йиллиги сарҳисоби ўтказилди. Тадбирда қўмондонлиқнинг Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмларидаги 30 ёшгача бўлган ҳарбий хизматчилар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Кенгаши раиси Ихтиёр Зиёдуллаев ҳамда бўйсунувчи барча ҳарбий қисмларнинг бошланғич ташкилот етакчилари видеоселектор орқали иштирок этдилар.

Ҳаётга татбиқ этилган ишлар юзасидан ҳисоботлар тинглангач, ярим йилликда

фаол бўлган ҳарбий хизматчилар қўшинлар қўмондонининг буйруғи билан рағбатлантирилди.

Шунингдек, Бекобод шаҳрида жойлашган бўлинмада ҳам Ёшлар куни муносабати билан «Ёшлар ойолиги»да фаол иштирок этган ҳарбий хизматчиларни рағбатлантириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда ҳарбий қисм командири томонидан ёшлар билан ўтказиладиган тадбирлар йил мобайнида давом этиши зарурлиги таъкидланди.

Тоифаланган объектларни
қўриқлаш қўшинлари
қўмондонлиги матбуот хизмати

САНА

Бахт ва истиқлол
ТИМСОЛИ

Ватан тимсоллари ҳар бир даврда ҳам улуг ва муқаддас саналган. У кишиларни яқдилликка, муштарак мақсад йўлида бирлашишга чорлайди. Давлатимизнинг барча рамзлари қатори гербимиз ҳам ҳаётимиздан, қалбимиздан чуқур ўрин эгаллаб, Ўзбекистон мустақиллигининг чинакам тимсолларидан бирига айланди.

Давлат герби қабул қилинганлигининг 28 йиллиги муносабати билан Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида «Давлат герби – бахт ва истиқлол тимсоли» мавзуида тадбир бўлиб ўтди. Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда ташкил қилинган тадбирда ёзувчи-шоирлар, ҳарбий хизматчилар ва санъаткорлар иштирок этишди.

Курсантларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат гербининг тасвири, моҳияти, ундан фойдаланиш қоидалари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари йиғилганларга манзур бўлди. Тадбир давомида ижро этилган шеър ва қўшиқлар иштирокчиларига кўтаринки кайфият бағишлади.

Санам НИШОНОВА

Ҳарбий қисмда қутлуғ кун

Тошкент ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмлардан бирида қисм ташкил этилганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали тадбир ўтказилди.

Карантин қоидаларига риоя қилинган ҳолда ташкил этилган тадбирда Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондони полковник Зокиржон Сайфутдинов ҳарбий қисм шахсий таркибини ушбу қутлуғ сана билан табриклаб, юрт посбонларининг келгуси фаолиятида омад ва зафарлар тилади.

Миллий армиямиз сафларида ўз ўрнига эга бўлган ушбу ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари ўтган давр мобайнида турли тактик-ўқув машғулоти, халқаро мусобақаларда фаол иштирок этиб, юртимиз нуфузини янада юксалтириш, Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилишига муносиб ҳисса қўшган. Халқимиз олдида ўзининг ҳарбий бурчи-



Муаллиф суратга олган

ни бажариб келаётган юрт ўғлонлари замонавий, ихчам ва ҳаракатчан куч тузилмалари таркибида Қуролли Кучларимиз салоҳиятини намоён этиб келмоқда.

Сана муносабати билан жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарликдан муайян ютуқларга эришган, ҳарбий округ, Мудофаа вазирлиги ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда фаол иштирок этиб келаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар Тошкент ҳарбий округига қарашли ҳарбий оркестр садолари остида навбатдаги ҳарбий унвон, қимматбаҳо ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Тантанали тадбирда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлари ва ҳарбий қисм ҳарбий хизматчиларининг қўл жанги ва кўргазмали чиқишлари йиғилганларда унутилмас таассурот қолдирди.

Дилшод ШУҲРАТ ўғли

ТАРИХИЙ ҚАДАМЖОЛАР

Қадим зиёратгоҳлардан бири

Қадим тарихга эга юртимизнинг шаҳару қишлоқларида миллатимиз учун азиз саналган зиёратгоҳларга дуч келасиз. Неча юз йиллик тарихга эга бу улуг ғўшаларнинг афсоналарга асос бўлган ўзига хос тарихи, сир-синоати бор. Шўролар даврида бу зиёратгоҳларда қад ростлаган қадимги обидаларнинг аксар қисми бузилди, топталди, йўқликка юз тутди. Бироқ илдири миллат кўксига туташ бу қадамжолар мустақилликка эришганимиздан сўнг эрк эпкинни сабаб қайта қад ростлади, халқимизнинг обод ғўшаларига айлантирилди. Мана шундай азиз қадамжолардан бири Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида жойлашган «Қораёзи бобо» зиёратгоҳидир.



Қораёзи бобо исмли лашкарбоши бошчилигида араб қўшинлари билан маҳаллий ҳукмдорлар қўшини ўртасида қаттиқ жанг бўлиб ўтди. Жанг охирида араб қўшинлари енгилиб, Қораёзи бобо ҳозирги мақбара ўрнига келганда ғойиб бўлади.

Асрлар ўтиб, хонлар замонида мана шу даштга ов қилгани келган овчилар бир кийикка дуч келади. Қанчалик уринишмасин, кийикни тутта олмайдилар. Овчилардан бири ниҳоят кийикни нишонга олган чоғида кутилимаганда унинг кўзи кўрмай қолади. Кийик эса юлғунлар ортга ўтиб, ғойиб бўлади. Овчилар бу ҳодисадан ҳайратга тушиб, кийик ғойиб бўлган ерни белгилиб ортга қайтишади. Улар шох Маширабнинг пири бўлмиш Офок хожага даштда юз берган воқеани сўзлаб беради. Офок хожа «Сизлар шоҳиди бўлган воқеа жойи аслида азийлар маконидир. Уша даштни обод қилинлар», дейди.

Қораёзи бобого атаб қурилган мақбара дастлаб Офок хожа кўрсатмасига биноан барпо этилган. Мақбара қурилиши ва боғ яратишга сув булоқлардан олиб келинган. Шу асосда қадамжол атрофида қишлоқлар барпо бўлишга замин яратилган.

Аҳоли орасидаги мавжуд афсоналарда Сайид Асадуллоҳ – Қораёзи бобо асли Арабистон заминидан келганлиги айтилади. Бироқ афсонадан кўра тарихий маълумотларга мурожаат қилсак. Чунки

афсоналарда тилга олинган воқеалар айрим ҳолларда тўқиб чиқарилган бўлиб, вақт мезонига тўғри келмайди. Тарихга назар ташласак, маълумки, араблар 651 йили Марв шаҳрини эгаллагач, дарё орти ўлкаларига, яъни Мовароуннахрга тез-тез ҳужумлар уюштириб турган. 654 йили арабларни Маймург ва Сўғда ҳужум қилганлиги тарихдан маълум. Уша вақтда араблар ўрта Осиёга қилинажак юришларига тайёргарлик кўриш учун 50 минг араб оиласини Басра ва Куфа шаҳарларидан Хуросонга кўчириб келган. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, Сайид Асадуллоҳ ҳам Арабистондан келгани ҳақиқатга яқин.

Қадим тарихга эга «Қораёзи бобо» мақбарасини таъмирлаш ишлари йиллар давомида кўп бора амалга оширилган. Мақбаранинг олд томонида катта масжид барпо этилган бўлиб, унинг деворларида ўймакорлик ишлари амалга оширилган. Шифтларига исломий нақшлар туширилган ва масжид карнизларига Қуръони Каримдан оятлар битилган. Масжид ёнига қўшимча тарзда 40 та ҳужра содирланган. Ҳужралар ислом илмини тарқатишда мактаб вазифасини ўтаган. Қурилишда қайрағоч дарахтининг ёғочидан фойдаланилган. Уттан асрининг 60-йилларида шўролар томонидан масжид ва ҳужралар бузиб ташланган. Ҳозирда шу ҳужралардан фақат биттасигина мақбаранинг кириш қисмида сақланиб қолган.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг халқимизнинг миллий ва диний қадриятлар, тарихий обидалар ва зиёратгоҳларга бўлган эътибори кучайди. 2005–2010 йиллар давомида «Қораёзи бобо» мақбарасида ҳам катта таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Қадамжол зиёратчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариш ғўшасига айлантирилди. Бу ерга ташриф буюрувчилар ушбу қадамжолни эзгу ниятларнинг ижобат бўлишига замин яратувчи ғўша сифатида эъзозлашади. Энг асосийси, зиёратгоҳ қадим тарихимиздан сўзловчи, аждодларимиз эъзозлаб келган азиз ёдгорликлардан биридир.

Мадинахон ЭҲСОНОВА,
Нодирахон ҚОРАБОЕВА,
Ўзбекистон тумани,
15-мактаб ўқитувчилари

Таърифи мозийга туташ бу ғўша архив ҳужжатларида келтирилишича, қадимдан зиёратгоҳ сифатида машҳур бўлган. «Қораёзи» сўзи туркий тилда қора түпроқли, эски ўзбек тилида эса катта кенглик, текислик маъносини англатади. Изланишлар давомида тўпланган айрим ёзма ва оғзаки маълумотларга кўра, Қораёзи бобо Ўрта Осиёга ислом динини тарқатишда фаол қатнашган Сайид Асадуллоҳхужанинг лақаби бўлиб, шахси ислом уламолари томонидан муқаддаслаштирилган.

Зиёратгоҳ ҳақида халқ орасида турли қарашлар бор. Мана шулардан бирига тўхталсак, қадим замонда аввал катта даштлик бўлган қишлоқ ҳудудиди

МАЪНАВИЯТ

Ҳали Сирдарё кенгликлари таас-суротларини унутганим йўқ эди. Аксинча, у ерда содир бўлган воқеалар Соҳибқирон Амир Темур ва Хоразм ё Огаҳий ҳақида ёзаётган пайтларим тўсатдан пайдо бўлиб, фикрларимни «туртиб» юборарди. У саҳифалардан ўз ўрнини талаб қиларди, чоғимда. Тарихда у билан боғлиқ бир талай ҳодисалар бор. Қўпи Турон жангу жадалларидир. Ё ҳеч бўлмаса, бирор тарихий ҳодиса албатта, тадқиқот-

қадимий кўҳна қўлёзма манбаларни қидириб аниқлаш эди.


Экспедиция Республика Президенти «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2995-сонли қарори, 2-бандининг вилоятлардаги ижросини амалга ошириш бўйича ташкил этилганди. Ушбу банд аҳолида мавжуд бўлган арабий ёзувдаги қадимий ноёб қў-

ўшанда бирор-бир сандиқ тўла қўлёзма топармиканмиз, деган илинж ҳам вақти-вақти билан ўй-халларимизда пайдо бўлиб қоларди. Бунга жуда ишоналмасак-да, аммо бу умид негадир бизни сира тарк этмасди. Ҳар бир қадамимизни яхши ниятлар билан босамиз. Биз, тадқиқотчилар учун бундан ортиқ хазина йўқ, аслида. Устозларимиз ўргатганидек, бирор ҳудуддан қўлёзма ҳақида маълумот топиш учун ўша

– Ҳа, яна озгина кутсак, ҳеч нарса қилмас, шунча йўл босиб келдик, – дея бизга ҳамроҳ бўлган вилоят маънавият ва маърифат ишлари вакилига юзландик. У бизни ташқарида кутишини айтди. Нуроний отахонларга салом бериб, мақсадимизни тушунтирдик.

Шунда улардан бири бизга қараб: – Қизим, пулинг, керакмас, сенга шу қадимий қўлёзмаларни бераман, унинг ўрнига невараларим ўқий

«НЕВАРАЛАРИМ ЎҚИЙ ОЛАДИГАН КИТОБЛАР БЕРИНГ»



чи йўловчини уларга олиб боради. Искандар Мақидунли, ёвни заррача писанд қилмайдиган қудратли ўта жасур хоқонлар, араб Қутайба, Гурхон, Чингизхон, Соҳибқирон Амир Темур, Абул Ҳайрхон, Абу Саид султон... Ҳаммаси жангга чанқоқ катта қўшин билан шу ердан ўтган. Кимсасиз, поёнсиз, сувсиз даштда улардан хотира бўлиб, Сирдарё вилоятида биз бориб кўрган кўҳна тарихий ёдгорлик Сардоба турибди. Унинг биз кўрган ҳозирги қомати Абдуллахон ибн Искандархон ташаббуси ва истаги билан бунёд этилган. Таъмирлангани, замонавий муносабатлар унинг дунёсига дахл қилганига қарамай, у узок ўтмишни ўзида сақлаб қолган. Бир неча кун Сирдарёда иш юзасидан юрган бўлсак, у сафаримизнинг Рухига айланиб қолди. Энди уни унутиб бўлмайди...

Ҳа, айтмоқчи, сафаримиз мазмунига ўтайлик, энди. 2018 йили Ойсара Мадалиева билан Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти томонидан Жиззах ва Сирдарёга хизмат юзасидан археографик экспедицияга борганди. Вазифамиз айрим давлат муассасалари ва халқ қўлида сақланаётган

ёзмаларни аниқлаш ва сотиб олиш орқали институтнинг тарихий қўлёзма манбалар фондиди бойитиш; қимматли қўлёзма асарлар, тошбосма китоблар ва тарихий ҳужжатларни аниқлаш, таҳлил қилишдан иборат эди. Шубҳасиз, Ўзбекистон Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган бир қанча мамлакатлар орасида қадимги қўлёзмалар энг кўп сақланиб қолган ва тўпланган давлатдир.

Экспедициямизнинг 8-куни Сирдарё вилоятининг маънавият бўлими вакили ҳамроҳлигида бир неча туманларга бордик. Машҳур ёдгорлик республиканинг машҳур катта шохйўл бўйлаб юрилганда Сирдарё маркази Гулистон шаҳридан кўра, Жиззахга яқин экан. Ўша пайтда бизга шундай туюлганди. Бир тарафдан кўҳна тарихнинг қадимий бир гувоҳини кўриш туйғуларимизни қандайдир ҳаяжонга тайёрлаётганди. Ўшанда ростдан ҳам шундай ҳолатни бошдан кечиргандик... Мана, икки-уч кун бўлди, ўша сафар воқеалари ниҳоят, саҳифаларимга шиддат билан кириб келди. Уларни тўхтатиб бўлмади.

жой масжиди имомига учрашардик. 2018 йил 23 август, ҳайит айёмининг учинчи куни. Шом эниши олдида ғира-шира вақтга қарамай, иккимиз масжидга етиб келдик. Масжид анча таъмирталаб эди. Имомнинг ўзи йўқ, аммо масжид қоровули бор эди. Улар билан бироз суҳбатлашиб, қўлёзмалар ёки қадимги ҳужжатлар ҳақида сўрадик. Фақат меҳробда турган бир иккита диний тошбосма асарларни кўрсатишди. Ҳафсаласи пир бўлган Ойсара секингина эшик томон йўналди. Мен яна у-бу маълумот чиқиб қолармикан, деган умидда қўлёзмаси бор инсонларни билишлари ҳақида қизиқиш сўрадим. Тобора қоронғиларга бота бошлаган кун бизнинг кеч бўлиб кетмай Гулистонга етиб боришимиз ҳақида эслатарди. Ойсара масжид ҳовлисида мени кута туриб:

– Ҳилола опа, бу киши (нуроний отахон) қўлёзмаси бор инсонларни билар эканлар. Ҳозир улар келишаркан, кутиб тура оламизми? – деди.

оладиган китоблар берсанг бўлди, – деганди.

Бу гап менда сирдарёликларга нисбатан ҳурматимни қўтилмаганда кўп чандон ошириб юборди. У воқеани эслаш ҳозир ҳам мен учун мароқли. Республикаимизнинг кўпгина ҳудудларига қўлёзмалар харида ёки борлигини аниқлаш учун сафарларда бўлганман. Кўпчилик давлатларда одамлар бир қўлёзма

учун ажратилган нархга, қай тарзда пул олинишига қизиқади. Гоҳида қўлёзмаларни совға қилувчилар ҳам албатта, учраб туради. Лекин сирдарёлик нуроний отахон билан бўлган воқеа жуда кам содир бўлади. Бундай таклифни бошқа ҳудудларда эшитмаган эдим. Шунинг учун археографик экспедиция натижаларига бағишланган бир қанча семинар ва конференцияларда ўша отахоннинг таклифини киритдим. Мақсад – совғага муносиб тўхфа билан жавоб қайтариш, китоб ўрнига улар фойдалана оладиган китоблар бериш. Назаримда, отахон бизга савобни савобга қандай улашни жуда оддий тарзда ўргатганди. Отахоннинг гаплари оқибат, шафқат, эзгулик туйғуларига қоришганди.

Ҳилола НАЗИРОВА,
Ўзбекистон Фанлар академияси
Шарқшунослик институти
Ёш олимлар кенгаши раиси

ОДОБ САБОҚЛАРИ

МУОМАЛАНГИЗ – ЗИЙНАТИНГИЗ

Инсон қанчалик тарбияли, яхши хулқли бўлса, маънавияти, дунёқарashi ҳам юксалиб бораверади. Натижада у бошқаларда ўзига нисбатан ижобий фикр уйғотади, ҳурмат туйғусини шакллантиради. Дейлик, кимнингдир муомаласидан ранжиган инсон биринчи бўлиб унга нисбатан «тарбияси йўқ» иборасини ишлатиши ҳам шундан. Демак, инсоннинг қанчалик тарбияли эканлиги унинг бошқалар билан бўлган муомаласида акс этади. Кимки, ширинсўз, очиктабиат, хушхулқ бўлса, у барчанинг наздида муомалали ин-

сон ҳисобланади. Аслида сабр ҳам муомала, сукут ҳам муомала, кам гапирмоқ, ҳаттоки суҳбатдошнинг эшити билмоқ ҳам муомала маданиятига кирлади. Инсоннинг муомаласи ҳатто юриш-туришида акс этади. Бир оғиз сўз суҳбатдошнинг кимлигини, қандай инсон эканлигини баён этади. Масалан, ўз яқинларингизга, фарзандларингизга «сиз» деб мурожаат қиляпсиз. Бу жуда яхши. Ахир «Яхши сўз – жон озиғи», деган нақл бежиз айтилмаган. Нима бўлибди, «сен» ҳам, «сиз» ҳам бир оғиздан чиқади. Энг асосийси, шу орқали

яқинларингизни ўзингизга янада яқинлаштириб, ўртадаги ришталарни мустаҳкамлайсиз. Ҳа, ширин муомала кўнгилларни кўнгилларга боғлайди. Дейлик, онангизнинг отангизга бўлган ҳушмуомаласи ёки ҳар кун турмуш ўртоғингизнинг сизга ва фарзандларига қиладиган чиройли муомаласи. Бундай гўзал лутф кун давомида кучингизга куч, ғайратингизга ғайрат қўшади. Қалбингиз эзгуликка эш бўлади, дунёнинг гўзаллигини англайсиз.

Юқорида лутф деган сўзни ишлатдик. Бир эсланг-а? Яқин-

да кимдан лутф кўрдингиз-у ёки бошқачароқ ёндашадиган бўлсак, кимларга «лутф қилолдингиз»? Шу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Чунки лутф инсон маънавий дунёсини бой, маданиятини эса юксак, лафзини ҳалол, фикрини теран қилади. Ахир инсон муомаласининг таъсирчанлиги унинг лутфидан билинади, деб бежиз айтишмайди. Шундай экан, бу беш кунлик дунёда ўзимиздан афлат ва фақат яхши ном, яхши амаллар қолдирмайди. Унутманг, яхшилиқнинг дебوحаси аввало, ширинсўзликда ва бағрикенгликдадир.

Подполковник Ботир СОБИРОВ,
Қўроллик Кучлар академияси
катта ўқитувчиси

«HOT SPOT»: ҚАЙНОҚ НУҚТАЛАРДАГИ ҲАРБИЙ МУХБИРЛАР

Оммавий ахборот воситалари (ОАВ)да ҳарбий соҳани ёритишдан олдин «Hot spot» тушунчаси моҳиятини англаш зарур. Бу тушунча турлича талқин қилинади. Мутахассисларнинг фикрича: «Уруш ҳолатидаги давлат ёки бандитизм юқори бўлган ҳудудлар, терроризм кенг тарқалган экстремал характерга эга бўлган иқлим «Hot spot» деб аталади». Бу қарашлар «Hot spot»нинг энг ёрқин, тўлиқ ва аниқ таърифи ҳисобланади.



Ҳаёт ва мамот

Қайноқ нуқталарда ишлаётган ҳар бир журналист экстремал вазиятларда ҳаракатланувчи мухбир деб қаралади ва улар бошқа ОАВ вакилларида тубдан фарқ қилади. Ҳарбий ва сиёсий конфликтларни телевизион кўрсатув ва янгиликларда акс эттиришда, журналист аввало, профессионал ҳамда махсус тайёргарликдан ўтган бўлиши лозим. Мисол учун, Чеченистон, Доғистон, умуман, Кавказ давлатларининг жанжалли конфликтларида Россия телевизион журналистлари, хусусан, «Звезда» телеканали ижодкорлари ўз давлатларининг позициясидан келиб чиқиб, ахборотни аудиторияга узатган бўлса, бир вақтнинг ўзида SNN ёки BBC мухбирлари Ғарб давлатлари позициясига кўра бу конфликтларни ёритган. Шундай вазиятда ҳарбий журналистиканинг алоҳида қурол эканлигини кўриш мумкин. У замонавий медида тобора янгидан-янги функциялар ва вазифаларни бажармоқда.

Бугунги кунда зиддиятли вазиятларни ёритишда журналистлар учун кўплаб хавфли ҳудудлар юзага келмоқда. «Time» журналида («Time.com») ёзилишича, оммавий ахборот воситалари ходимлари учун энг хавфли ҳудудлар бешта-лигига – Афғонистон, Сурия, Мексика, Яман ва Ҳиндистон давлатлари киритилган. 2018 йилда улар қаторига АҚШ ҳам қўшилди. «Чегара билмас журналистлар»нинг (Reporters without borders RSF) 23 йиллик тарихида илк бор АҚШ журналистлар учун энг хавфли ҳудуд, дея баҳоланди.

Ўтган йили Америкада 6 нафар ҳарбий журналист ҳалок бўлган. Уларнинг 4 нафари «Capital Gazette» ахборот марказида бўлиб ўтган отишмада ваҳшийларча ўлдирилган. Икки нафар америкалик журналист эса май ойида Шимолий Каролина штатидаги бўронда дарахт остида қолиб ҳалок бўлган.

RSF ташкилотининг ҳисоботида кўра, 2018 йил журналистлар учун энг хавфли йил бўлган. Жорий йилда дунё бўйича 348 нафар журналист қўлга олинган, 60 нафари гаровда ушлаб турилган, 80 нафар журналист эса ҳалок бўлган, уларнинг 61 фоизи иш юзасидан юборилган жойларда ҳалок бўлишган.

RSF ташкилоти Афғонистонда 13 нафар мухбирнинг ўлими қайд этилгани боис мамлакатни



журналистлар учун энг хавфли ҳудуд, деб эълон қилди.

Ҳарбий журналистика тарихи

«Ҳарбий журналист» атамаси барчага ҳам таниш эмас, шунингдек, жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу хавфли касблар сирасига киради.

Ҳарбий журналистика 200 йилдан зиёд тарихга эга бўлган журналистиканинг бир бўлагидир. Бу йўналиш давлатнинг ҳарбий салоҳиятини



тўғридан-тўғри ёки бевосита ёритишга қаратилган. Аниқроқ қилиб айтиладиган бўлсак, урушлар, диний ва этник тўқнашувлар, терроризмга қарши операцияларни, ҳарбийларнинг хизмат ва ҳаёт фаолиятини ёритиб боради.

Ҳарбий журналистиканинг келиб чиқиши алоқа воситаларининг яратилиш даври билан боғланади. Ушбу соҳанинг пайдо бўлишига оид илк ҳодиса Александр Македонский ҳукмронлик қилган даврга тўғри келади. У ҳарбий ҳаракатларни пухта ўрганиб, ушбу жараёнларни ўз назорати остига олган. Тарихда ёзилишича, у ўзининг ҳарбий юришларида турли ҳарбий информацияларни тарқатиш орқали рақибни чаљғитишга эришиб, ғалаба қозongan.

Шунингдек, қадимда кўшинлар таркибида қўмондонлар ёнида юрган ва унинг жанговар ҳаракатлари, жасорати, уруш воқеалари ҳақида ёзиб борган уламо ёки аъёнлар ҳарбий журналистларнинг дастлабки прототиплари ҳисобланади.

Аммо замонавий терминология ва хизмат вазифаси нуқтаи назаридан уларни кўпроқ котиб ёки тарихчиларга менгаш мумкин.

Ўрта асрларда эса жарчилар шаҳар марказларида мамлакатнинг ҳарбий ҳолати, қўмондоннинг ғалабаси ёки мағлубияти ҳақида аҳолига маълум қилишган.



Дастлабки ҳарбий журналистларга оммавий қизиқиш Наполеон урушлари билан боғлиқ. 1808 йили «The Times» нашри француз ва испан уруши ҳақида биринчи манадан ёзиш учун Испанияга ўз мухбири Генри Робинсонни юборади.

1877-1878 йиллардаги рус-турк уруши йилларида илк даврий матбуот намояндалари (маҳаллий ва хорижий) пайдо бўла бошлаган. Масалан, улар орасида таниқли ёзувчи Всеволод Гаршин урушни ичкаридан туриб ўрганишни танлаган.

Уларни ким ҳимоя қилади?

Журналистика соҳасига тегишли норматив ҳужжатлар кўп. Дунёда ҳарбий журналистларнинг «қайноқ нуқталар»да фаолият олиб бориши, уларни ҳимоя қилиш тўғрисида 1907 йилда қабул қилинган «Қуруқликдаги ҳарбий тўқнашувлар қонун-қоидалари тўғрисида»ги Гаага конвенциясининг 13-иловасида шундай дейилган: «Армия билан бирга, лекин таркибга мансуб бўлмаган шахслар: газета мухбирлари ва репортёрлар, маркетологлар, таъминотчилар душман томонидан қўлга олинсалар, журналистнинг гувоҳномаи бўлса, улар ҳарбий асирлар ҳуқуқига эга». Бу жаҳон ҳамжамиятида ҳалигача ўз кучига эга.

1929 йилда «Ҳарбий асирлар билан муомала қилиш тўғрисида»ги Женева конвенцияси қабул қилинган. Конвенцияда қуйидагилар келтирилган: «Журналистлар тинч аҳоли мақомини сақлаб турсалар ҳам, аммо улар асирга тушиб қолган вазиятларда журналистларга асирлар каби муомала қилишларига ҳақлидирлар». Шу билан бирга, журналист ўзи билан ҳарбий кўчлар томонидан берилган гувоҳномага эга бўлиши шартлигига яна бир бор урғу берилди.

Кейинчалик зиддиятли вазиятлар юзага келадиган ҳолатларда журналистнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи 1970 йилларда БМТ

Бош Ассамблеясининг мажлисларида кўп бора муҳокама этилган. 1977 йилнинг 8 июнида Женева конвенциясида Қўшимча протокол қабул қилинди. Унда бутун бир боб ҳарбий журналистларнинг ҳолатига бағишланди (3-боб, «Журналистлар»). Протоколда журналистлар оддий фуқаро сифатида ҳаракатлансаларгина, ҳимоя қилинишлари мумкинлиги айтиб ўтилган. Шундай қилиб, журналистлар фуқаролик мақомига мос келмайдиган бирор-бир ҳаракат қилмаслиги ва Қуролли Кучлар билан аккредитация қилинган ҳарбий мухбирларнинг ҳуқуқларига зарар етказмаслик шarti билан Конвенция ва ушбу протоколга мувофиқ ҳимоя қилинади.

Зиддиятли вазиятларни, тўқнашувларни ўз ичига олган ҳудудда ишлаётган журналистлар муайян қоидаларга риоя қилишлари керак. Биламизки, журналистнинг биринчи галдаги вазифаси бу – ахборотни аҳолига ўз вақтида етказиш. Бу йўлда эса тўсиқларга дуч келиши табиий...



Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА,
«Vatanparvar»

ОДАМЛАР ОРАСИДАГИ КИЧИК ҚУЁШ

“ Мен табиатни кузатишни ёқтираман. Айниқса, дарахтларни. Енгил шабадада ўйнаётган дарахт япроқлари худди офтобга табассумла боқиб эркаланаётганга ўхшайди. Ҳамма нарса офтобга интилади, қуёшга, нурга талпинади.

Шундай одамлар бўладики, уларни кўрганда ихтиёрсиз юзингизга табассум югуради, қалбингиз ёришади, улардан атрофга яхшилик таралаётгандек ҳамма интилади. Бундай инсонларни қуёшга менгзайман, одамлар орасидаги кичик қуёшга ўхшайдилар. Ана шундай инсонлардан бири Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги ҳарбий хизматчиси кичик сержант Мархабо Аблақуловадир.

Аслида инсонни билиш, англаш қийин. Мархабо ҳақида қўмондонлик етакчи мутахассиси Дилбар Ҳусановадан кўп илиқ фикрларни эшитганман.

– Биласизми, – дейди одатдаги самимияти билан Дилбар Ҳусанова, – Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигида шундай аёл-қизлар борки, хизмат бурчларини аёло даражада ўтаб келадилар, оила, фарзандлар тарбиясини ҳам мукамал, ҳавас қиларли тарзда эплайдилар. Бунинг устига жамоат ишларига ҳам вақт тогланларига қўйил қоламан. Айниқса, кичик сержант Мархабо Аблақулова билан жамоаси ҳар қанча фахрланса арзийди. Энг яхши мерган, спортчи, оқила уй бекаси, келин, Она! Қаранг, унинг хизмат қилаётганига ҳам 27 йил бўлибди. Бу шунчаки ўтган йиллар эмас, миллат аёлининг шарафли йўли, тақдиридир.

Ҳа, 27 йил ҳазилкам фурсат эмас. Ҳаводаги ҳаракатларни ягона бошқарув тизими бош марказининг катта диспетчери ўта масъулиятли вазифадир. Бу инсондан зукколик, ақл-фаросат, ҳушёрлик талаб этади. Ўтган йиллар давомида кичик сержант сидқидилдан бажарган хизматлари туфайли қўмондонлик томонидан бир неча бор рағбатлантирилди.

У билан суҳбатимиз ҳарбий хизмат йиллари, оила, муҳаббат, фарзандлар, ота-оналар ва... яна ҳарбий хизмат ҳақида бўлди.

– Сиз ҳарбий хизматни миллий армиямиз шаклланаётган дастлабки йилларда бошлагансиз. Анча-мунча мураккаб даврлар эди. Бекор шу йўлни таллаган эканман, деб ҳеч афсусланганимиз?

– Мен ўз бурчимни шу қадар севиб бажардимки, қийинчиликлар ҳақида ўйлаб ҳам кўрмабман. Маълум бир вақт, яъни Марказий ҳарбий округнинг ташкил этилиши даврида бироз қийинчиликлар бўлди. Ҳарбий хизматчи аёллар учун керакли шароитларни яратишга вақт керак бўлди. Бу ҳолат, албатта, узоқ давом этган эмас.

– Сиз, ўзбек аёллари орасида биринчилардан бўлиб миллий армиямиз сафларида хизмат қилишни бошлагансиз. «Эркаклар жамоаси» сизни қандай қабул қилди, ўз навбатида, сиз уларни қандай қабул қилдингиз?

– Мен Самарқанд шаҳрида туғилиб ўсганман. Оилада 11 фарзанд эдик. Раҳматли отам Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси эдилар. Улар менинг биринчи қаҳрамоним бўлганлар. Тўрт ўғилдан кейин дунёга келганман. Ва сўзсиз уларнинг таъсирида бўлганман. Улар қилган барча шўх-ликларда мен ҳам ўзимни синиб кўрганман. Акаларим табиатида отамда бўлганидек мардоналик хислати бор. Акаларим туфайли ҳарбий хизматда сафдошларим билан осон тил топишдим. Чунки



Баҳром АБДУРАХИМОВ суратта олган

улар олами акаларим олами эди. Бу олам эса менга ғоят яқин бўлган. Оиламизда олти киши шарафли йўлни танлади. Тўрт акам ва Жамила опам иккимиз.

– Оталар фарзандлар учун биринчи қаҳрамон, албатта. Оналар-чи, 11 фарзандни туғиб, тарбиялаб, элга қўшган аёл ҳам ҳақиқий қаҳрамондир. Бундай аёлнинг сабоқлари ҳам исзис кетмайди. Онангиздан нималар олгансиз?

– Отам бошлаган ишларини охирига етказмай қўймасдилар. Қатъиятли эдилар. Онамнинг бор туриши меҳр, шафқат эди. Аммо сабрли, қийинчиликларни матонат билан енгардилар. Ҳаётимиз жуда тўқислик билан кечмаган. Ижарама-ижара юрганларимиз ҳамон хотирамда. Бунинг қийинчиликларини бошидан ўтказган одам билади. Онам оҳ-воҳ қилмаганлар. Гўзал умид, сабр, меҳнат билан катта оиламиз оёққа турди. Ва ҳамма ўз йўлини, жамиятда ўз ўрнини топди. Ҳаёт синовларида енгилмасликни онамдан ўргандим!

– Сизни яхши спортчи ҳам дейишди.

– Мен спортни яхши кўраман. Ёшлигимда қиличбозлик билан шуғулланганман. Спорт усталигига номзодман. Спорт тадбирларини ташкиллаштириш жону дилим. Аёл-қизлар ўртасида Қуролли Кучлар миқёсида бўлиб ўтадиган спорт мусобақаларида биринчиликни бермай келяпмиз (камтарлик қиялпти, ўзи биринчиликни ҳеч кимга бермай келяпти. 2010 йилдан шу кунга қадар, дейди ҳамроҳим Дилбар опа унинг сўзларини тузатиб). Кейинги йилларда «Гимнастика ҳамма учун» спорт мусобақасида мураббийлик қиялпман. Эришган ютуқларимизни санаб ўтирмайман, нокамтарлик бўлади.

– Ҳаётингизда энг қувончли лаҳзаларни эсланганда, нималар кўз ўнгингизда гавдаланади?

– Улар жуда кўп... муҳаббат, оналик бахти, гўдақларимнинг атак-чечак қадамлари, ilk айтган сўзлари... Яна спорт мусобақаларидаги музафариат нашидаси! Буларни сўз билан таърифлаб бўлмайди.

– Қайси фаслни ёқтирасиз?

– Баҳорни севаман, кутаман. Яшилликка, гулларга бурканган лаҳзаларни севаман. Айниқса, Самарқанд баҳори бекиёс гўзал, тенгсиздир!

– Турмуш ўртоғингиз ҳам, сиз ҳам ҳарбий хизматчисиз. Бу касбнинг машаққатли томонлари ҳам борлигини билган ҳолда сўраяпман: бири биридан доно, одобли фарзандларни тарбиялашга қандай эришдингиз, уларга қандай вақт ажратдингиз?

– Бугун қанчалик муваффақиятга эришган бўлсам, ҳатто қизим Камиланинг Англияда ўқишида ҳам қайнона-онамнинг алоҳида ўрни бор. Энг қийин дамларда ёнимизда бўлдилар. Айнан онамиз туфайли биз турмуш ўртоғим билан оиламиз, фарзандларимиздан кўнглимиз хотиржам ҳолда хизмат бурчимизни бажардик. Қайнонам билан уйимиз янада файзли бўлиб кетади. Ёнимиздан кетмасалар, деб жоним ҳалак бўлади. Айримлар бу гапимга ошкора ажабланидилар, бу ҳолни тушунмайман. Бир нарсани аниқ биламан: оналар бор жойда – меҳр-оқибат бор. Қизим Англия таассуротларини гапириб беради: бу ерда ҳамма нарсаси бор, аммо мен бундан олганим, ўрганиб қолганим, бировдан самимий ҳол-аҳвол сўраш, меҳр-оқибатни кўрмадим. Манфаатлар бор, «мен»лик бор, меҳр йўқ... Юртимга нафим тегиши учун бу ерда ўқияпман, дейди. Уни тинглаб, кўнглим хотиржам тортади. Камилан юртини севади. Укалари Олимжон, Отабекка ибрат бўлади.

– Дўстларингиз кўппми?

– Ҳа, Аллоҳга шукур, бу борада ҳам омадим келган.

– Ақлли одамлар дўстликни ҳам асраш керак, дейдилар. Дўстлик қандай асралади, сизнингча?

– Ишонч, ўзаро ишонч билан дўстлик асралади.

– Машҳур қўшиқчи Эдит Пиаф журналистнинг аёлларга қандай маслаҳат берадиган саволига: «Севишни, севишни, севишни», дея жавоб берган эди. Инсон психологиясини ўрганган одам сифатида бу жавобни қандай изоҳлайсиз?

– Севги инсонда энг гўзал туйғуларни уйғотади. У ҳамма нарсани эзгуликни кўради. Севган киши ҳар турли фитна, ёмонликлардан холи ўз дунёсида яшайди ва атрофга ҳам шу назар билан қарайди. Унинг кучи шунда.

– Сизга маслаҳат сўраб мурожаат қиладиганлар кўп экан? Психолог деб биладиларми, сизни?

– Мен ўзимни психолог деб билмайман. Фақат ҳар бир инсонни тинглашга ҳаракат қиламан.

– Ҳарбий хизматни тарк этиш фурсати ҳам яқин экан. Айни дамларда кўнглингиздан нималар кечаяпти?

– Биласизми, йигирма етти йил – катта фурсат. Аммо елдек ўтибди. Мен ўз бурчимни севиб-севишиб, сидқидилдан, меҳр билан бажардим. Ва вақт қандай ўтганини сезмадим, ҳатто. Агар хизматни яна давом эттириш имкони бўлса, менинг хизматларим керак бўлса, жон-дилим билан хизматимни давом эттирардим. Мен ўтган йилларимдан розиман, йигирма етти йил, Ватан хизматидаги йигирма етти йил ҳаётимнинг энг бебаҳо, қимматли, шарафли дамларидир.

Инобат НОДИРШОҲОВА
суҳбатлашди.

КИТОБХОНЛИК

Жўра ФОЗИЛ

ЎЗГА БОҒНИНГ
ОЛМАСИ (ҳикоя)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сониди)

Янина ошхонадан сув олиб келиб, бўвининг юзига сепди. У бир сесканиб кўзини очди. «Ўғлим эсон-омон келдингми?» деди-ю, йиғлаб юборди.

– Келдим, онажон! Энди яна бирга бўламиз! Ҳаммаси ортда қолди...

Кампир ўрнидан ҳолсиз қўзғалиб, ўғлининг бўйнидан қучди, юз-кўзларидан ўлди. У шашқатор кўз ёшларини тийлмас, нуқул «Ё, Художон, кароматингдан ўргилай, шу кунга етказганинга шукр!» дея қайта-қайта такрорларди.

Қиз она-болани жимгина кузатар, кўз ўнгиди азиз отаси, меҳрибон онасининг маъсум ва беозор чехралари гавдаланар, бўғизига тикилиб келаётган ачиқ фарёдни куч билан босиб турарди. Кўп ўтмай хушхабардан қишлоқ аҳли воқиф бўлди. Кўни-қўшни, хотин-халаж болалар тўпланишиди, оқсоқоллар дуога қўл очиб, она-болани дийдор қўришганлари билан кутлашарди.

Қаҳатчилик эса-да Маҳтоб буви азиз фарзанди учун асраб юрган бор-будини, топан-тутганини дастурхонга қўйди. Болаларга ўғли олиб келган олис юрт ширинликларидан улашди.

Ярим тунгача хонадондан ҳамқишлоқлар оёғи узилмади. Она ва Янина елиб-югуриб хизмат қилишар, ҳамманинг кўнглини олиш пайдада эди. Алламаҳалда одамлар таркагач, Маҳтоб буви ўғлининг қўлига нима бўлганини суриштира бошлади. Мансуржон жимлайганича изох берди:

– Ҳеч нима бўлгани йўқ, онажон, тузалай деб қолди... Дайди бир ўқ сал «ялаб» ўтган эди...

– Ох, болагинам, қўлингга ўқ тегибди-ю, яна ҳеч нима бўлгани йўқ дейсан-а, – зорланди она.

– Об-бо, меҳрибонгинамей, мен ахир тўрт йил мобайнида ўқ ёмғирлари остида юриб ўрганиб кетдим-да.

Қиз ўнинг суҳбатини жимгина тинглар, сўзларни чала-чулла тушунаётган бўлса-да, гап аскарнинг яраси ҳақида кетаётганини сезиб турарди. Ахир қонли урушдан ярадор бўлса-да, қайтиб келиш икковлари учун ҳам бахт-ку!

Эрта тонгдан шу пайтгача кимгадир, нимагадир интизор бўлган бу ҳовли эгалари учун бошқача, янги ҳаёт бошланди. Мансуржон бир қўлини бўйнига осиб олганига қарамай, эркакни кўтиб ётган оғир ишларнинг барчасини зиммасига олди.

У бир қўли билан ҳам бинойидек ишлай оларди. Чорбоғни, молхонани тартибга келтирди. Полиз қўриқчилигини зиммасига олди.

Жамоа ҳўжалиги раисининг илтимосига кўра тегирмон қурилишига бош бўлди. Тегирмоннинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган тарзда ишлаб, бўғдонни унга айлантириши бир мўъжиза бўлса, бир бурда нон кўзга тўтиб бўлганиди, ризқ-насиба улашувчи жой сифатида яна бир мўъжиза эди-да.

Поляк қизи ва болакай тегирмон қандай ишлашини кўриш учун ўша ерга боришар, қош-киприклари ун гардидан оқарган Мансур уларни жимлайиб қарши оларди.

Тегирмон шовқини гапни гапга қўшмаса-да, Янина ва Жавлон учун иш жараёнини кўзатиш хийла мароқли эди. Бошқа ҳамқишлоқлар ҳам тегирмонни томоша қилиш учун тез-тез келиб туришарди.

Тинчгина меҳнатни соғинган собиқ жангчи алламаҳалгача тегирмонда қолиб кетар, тун ярмида уйга қайтгач, Янина ёрдамида узоқ ювинар, онаси иситиб берган овқатни нари-бери тановул қилгач, полиз қоровуллигига отланарди. Баъзан қиз ва болакай ҳам унга ҳамроҳ бўлишарди.

Ойдинқўлда ёз тунлари жуда фараҳли, ҳуснок... Тўлиноқ кўк гўмбазга узра тобора баландлайди, унинг оппоқ шўблалари арк субидаги ўз акси билан йўнашади, чор атроф бу оппоқ нурдан сеҳрлангандек сукут сақлайди. Енгил шабада «шерози», «бекзоти», «барги най», «бўриқалла» қовунларининг димоқни қитқиловчи хушбўйини етаклаб келади. Чайла ёнидаги ёғоч сўридаги суҳбат қизигандан қийизди. Болакай тезда ухлаб қолади. Йигит ва қиз эса салқин сахаргача уйку нималигини билмайди.

Икки ёшнинг дилкаш суҳбати баъзан бир маромда сокин давом этса, гоҳида ҳаяжонли тус олади, баъзан ғамгин мазмун касб этади. Мансуржон фронтда русча сўзлашини яхшигина ўрганиб олганди. Поляк қизи ҳам бу тилда гапирар оларди. Шу боисдан улар хоҳлаган мавзуда бемалол гапирарлардилар. Лекин Жавлон деганинги хийла қув ва зийрак. Сўзлашувчиларнинг гап оҳанги, ой нурда кўриниб турган юз ва қўз ифодаларига қараб, улар билан бирга қувонар, баъзи-баъзида эса андух чекарди.

Севишганларнинг ўзаро дўстона муносабатлари апоқ-чапоқлиги, хилватдаги суҳбатлари Маҳтоб буви ва қўни-қўшнининг назаридан четда қолади. Бу ҳақда хотин-халаж, ёш-ялангнинг «шивир-шивир»лари бошланиб кетди. Ўша ёзда 24 ёшда бўлган Мансур, 20 ёшга кирган Янина бунга сира эътибор беришмасди. Маҳтоб буви бу гап-сўзларни юзиди табассум билан тинглар, индамай қўяди. Табиатан дангал, чўрткесар бўлган она кўнларини берида қўшчилар билан бўлган чак-чак пайтида орани очик қилди, қўйди.

– Бўлди! – деди у қўлини шахт билан сермаб, – болаларимни кўп ғийбат қилаверманлар, Худо хоҳласа, кузда тўй қиламиз! Қизикани, Нинахонни ойдай келин қилиб чимилдиққа олиб кирамиз!

Онанинг бу сўзлари бутун қишлоққа ёйилди, ҳар икки ёшнинг ҳам қулоғига етди. Бунда буларга соядек эргашиб юрадиган, «хос соқчи» Жавлоннинг ҳиссаси катта бўлди. Шундан сўнг қишлоқдаги гап-сўзлар, шивир-шивирлар хийла камайди. Энди ёшларга беғона кўзларнинг эътибори анча сусайди. Қўни-қўшни олдида катта гапириб қўйган она эса йўқчилик пайтида йўқни қандай йўндириш, икки ёшнинг бошини қай тахлит қовуштириш ҳақида ўйлай бошлади.

Ҳозирги замон кишиларига уруш, қаҳатчилик йилларининг тўйи ҳақида биров изох беришга тўғри келади. Бу тўйлар қарийб минг киши иштирок этадиган дастурхон ноз-неъматдан тўлиб-тошган, 4-5 хил овқат қўйилиб, ичкилик дарёдек оқадиган, ҳаддан ташқари кўп нон, ширинликлар исроф этиладиган, келин-куёвга қўша-қўша саруполар, данғиллама ҳовиллар, хорижий автомобиллар, ҳисоб рақамларидаги миллион-миллион пуллар тортиқ этилиб, устларидан долларлар сочилидаган тўйлардан кескин фарқ қиларди. Бу тўйлар жуда ғарибона бўлиб, дастурхонга нари борса арпа нон, жўхори палов қўйилар, қариндош-уруғ, қўни-қўшни иштирокида ўтказиларди. Бир ушоқ ҳам исроф этилмас, бу тўйларнинг қўрқи – келин-куёв, ўзбекона урф-одатлар, уларга билдирилган эзгу тилақлар ва ёр-ёрлар саналарди.

Маҳтоб буви тўй ҳақида ўйлар экан, бўлажак келин-куёв муҳаббат осмонининг еттинчи қаватида мағрур ва масрур парвоз этардилар. Сирасини айтганда, уларнинг севигиси қутилганганда Аллоҳ иродаси ила содир бўлганди. Янина уруш бўлмаганида ўзбекининг бу сўлими, айни пайтда ғарибгина қишлоғига келишини етти ухлаб тушида кўрмаганди. Польшани озод этишда иштирок этган Мансуржон ўз ҳовлисида ёшгина поляк қизини учратаман, дея сира ўйламаганди.

Хуллас, тақдир илоҳий тўфайли уруш уларни учраштирди. Ёшлар бир-бирларини биринчи кўришдаёқ кўнглиларига илиқлик уйғонди. Кейинчалик бу илиқлик муҳаббат аталмиш тўйгага айланди.

Ўз муҳаббатлари тўфайли шод-масрур юрган икки ёш бахтимиз тўксис бардавом бўлади, дея ишонардилар. Уларни уруш учраштирган, уруш деган қабоҳат жудо этиши мумкинлигини сира ҳаёлларига келтирмасдилар. Аммо бу қабоҳат дунёда миллионлаб келтирмаларнинг ҳаётини остин-устун қилганини, не-не ошқиларни тақдир жабру ситамларига дучор қилганини кўпчилик яхши биларди.

Сунбуларнинг илиқ кўнларидан берида муҳаббат фазосининг тиник осмонда момоқалдиқроқ гўмбурлаб, яшин чакнади. Эрталаб туман марказига жўнаган Янина кечга томон ҳорғин ва маънос қиёфада уйга қайтди. Унинг кўзлари кизаринқираган, ҳеч ким билан гаплашмаси келмасди. Қизнинг қайфиятидаги бу ўзгаришдан уйдагилар ҳайрон эдилар. Айниқса, Мансуржон жуда безовта бўлди. Ахир тез орада тўй бўлиши керак эди-да.

Бўлажак келиндаги бу тушқун ҳолат 2-3 кун давом этди. Сўнгра ҳаммаси бирдан ошқор бўлди.

Эрталабки нонуштадан сўнг йигит ишга отланаётганда қиз унга бир хат жилдиди кўрсатиб, қуйиб-пишиб алланималарни тушутирди ва охири чидаёлмаи йиғлаб юборди. Маълум бўлишича, Варшава бомбардимон қилинганда отаси ҳалок бўлиб, бахтли тасодиқ тўфайли онаси омон қолган экан. Қиз бечора бўлса, мана неча йилдирки, ота-онамдан бирданига жудо бўлганман, дея ғам чекар, уларни қўмсаб, юм-юм йиғларди.

Хатда онаизор ёлғиз суянчиғи бўлмиш фарзандини ёнига қорлар эди. Қиз хун бўлиб йиғлар, унинг қўз ёшларини бахтиёр фарзанд йиғмасига ўхшатса бўлардики-я, аммо... Бу ёшларда ачиқ алам эзтироб бор эди. Онасининг топилигани бу бир бахт. Лекин эрта-индин тўй деганда юртига жўнаб кетадиган бўлса, Мансуржоннинг холи не кечади? Ўғлимини уйлантираман, дея алами – «олти», қадами «етти» бўлиб юрган Маҳтоб бўвининг юзига қандай қарайди?

Гап нимадалигини фаҳмлаган она югуриб келиб бўлажак келинини бағрига босди, унинг ёш ювган юз-кўзларидан ўлди, «Кизимча-кизимча», дея малла сочларини силади. Икки муштипар ҳовли ўртасида туриб, бир-бирларини қучоқлаганча йиғлашар, Мансуржон уларни юпата олмай жони ҳалак эди.

Янина қўлидаги хат жилдиди ўз онасидай бўлиб қолган аёлга кўрсатганича: «Мати, матиринди, онам тирик экан!» дея зорларан, қўз ёшларини сира тия олмасди. Бу манзарани жимгина кузатиб турган Жавлоннинг юраги эзилар, «Нахотики бир неча ойлик қани сирдоши, дўстига айланган бу киши жўнаб кетса?» дея ўқинириди. Бола эрта-индин унга «Янга, янгажон», дея мурожаат қилишни кўнглига тугиб қўйган, бу унинг қалбига аллақандай илиқлик, нур олиб киради. Энди бўлса...

... Шу оқшом ой шом еди. Учовлон яна полизга жўнадилар. Улар шу оқшомги суҳбат сўнгги, видолашув лаҳзаларига айланиб қолишини юрак-юракдан қиз қилар эдилар.

Жавлон ёғоч сўридаги ўринга қўзалиб, осмонга жимгина тикилиб ётибди. Ошиқлар сал нарироқда ёнма-ён ўтириб, аввалига узоқ сукут сақладилар.

Кузнинг илиқ тунни, енгил шабада эсади. Онда-сонда етилиб пишган қовунларнинг «т-а-р-с-с» этиб ёрилгани

қулоққа чалинади, пишиқчилик ҳиди янада кучайгандек бўлади. Бир маҳал қиз Мансурнинг кўксига бош қўйди-ю, пиқиллаб йиғлаб юборди. Унинг латиф вужуди титрар, нозик елкалари силкиниб-силкиниб кетарди.

Мансуржон бир муддат тишини тишига қўйиб, жим турди. Сўнгра у ҳам чидаёлмаи оҳ чекди-ю, маъшукасини юпата бошлади:

– Қўй, Янина, йиғлама! Йиғидан фойда йўқ... Кўз ёшлари юракни ҳолсизлантиради. Мен фронтда, озод этилган шаҳарларда қон, оҳ-воҳ, йиғи-сигидан жуда безиб қолганман. Мен ҳам йиғлаб юборсам, нима бўлади? Худо хоҳласа, биз яна учрашамиз, бирга бўламиз! Ахир айрилиқсиз учрашув висол бўлмайди-ку! Сен билан яна учрашиш учун видолашамиз...

Бу сўзларни айтиш йигитга ҳам жуда оғир эди, қизга таскин берувчи калималар, ошқинқин қонланган кўнглидан зўр-базўр тирналиб, ситилиб-ситилиб чиқарди. Бу ҳаётбахш сўзлар қизни андак юпатган бўлди, озурда юрагига таскин-тасалли берди. У секин-аста ўзини қўлга олиб, йиғидан тўхтади. Кўз ёшлари аро шикаста жилмайдди. Аммо бу кўзлардаги мўнг ва чексиз хавотирни ошиқ йигит англамаслиги мумкин эмасди. У яна сўз қотди:

– Биз бирга бўламиз, Худо хоҳласа!

Йигит шу сўзларни айтди-ю, юраги зирқираб кетди. У уруш йўллари қанчалар қийин бўлса, урушдан кейинги йўллар ҳам жуда оғир бўлишини яхши биларди. Лекин у ҳозир олис йўлга отланаётган маъшукасининг кўнглини кўтариши керак. Сўнгра... Сўнгра полиз кипридаги салқин сахар уйқусини бузиб, ажнабий тилда мўнгли бир қўшиқ йнграй бошлади:

Висла дарёсининг ўнг қирғоғида,
Этаги ўфққа туташ ўрмон бор.
Туташ ўрмонзорнинг энг овлоғида,
Бир қаср азалдан вайрона ётар.
Вайрона сахнида ўсар қизил гул,
Ўша қизил гулни қўмсади кўнгли!

Жавлон тун бўйи миқжа қоқмади, ошқиларнинг дил розини жимгина тинглаб ётаверди. Ногоҳоний қўшиқ эса боланинг онг-шуурда тўнтарши ясади, айқаш-уйқаш ҳаёлларини тўзғитиб юборди. У қўшиқ сўзларини тушуномаса-да, бу ўтти нола Янина илгари онда-сонда хиргой қиладиган маҳзун қўшиқларга мутлақо ўхшамаслигини, жуда ғамгин эканини юрак-юракдан қиз этди. Ҳис этди-ю, бадани жунжиқди. Кўз эрта тонги шабадаси хийла совуқ эди. Нихоят, қўшиқ тинди. Унинг сўзлари сўрида ўтирганларни, полизу чор-атрофни сеҳрлаб қўйганди, гўё, Янина шивирлагандек бўлиб, унинг сўзларини таржима қилди.

Йигит чўкур «уф» тортиди, қизнинг мавжланаётган кўзларига бир муддат тикилди. Кейин секин сўз қотди:

– Таржиманинг ҳождати йўқ, азизам! Ҳаммасини тушуниб турибман. Ахир мен Вислани ўқ ёмғири остида кечиб ўтганман, боз устига юракларимиз бирга тепиб турибди-ку!

Орага яна толиктирувчи сукунат чўкди. Кейин бирдан қиз Жавлон томонга ўғирлиди-ю, унинг устидаги кўрпани тушириб, биқинидан чимчиллаб олди.

– Об-бо мўғомбир-ей, ухлаётганинг йўқ-ку, нега ўзингни уйқуга соласан?!

Бола вой-войлаб нари сурилди. Полиздаги беором тун қариган, нонушта маҳали бўлиб қолганди. Учовлон уйга қайтишганида ҳовлида қуймалашиб юрган Маҳтоб буви уларни қаршилади. Онанинг киртайган кўзларига қараб, у ҳам тун бўйи миқжа қоқмаганини билиш қийин эмасди.

У ёқдан бу ёқдан чақ-чақлашиб, нонушта қилдилар. Йўлга отланган қиз дам Маҳтоб бувиға, дам Мансуржонга тикилиб қараб қолар, сўнгра бирдан хушёр тортиб, кўзларини яширишга ҳаракат қиларди. Кўзларидидаги бир неча томчи ёш тонг қуёши нурларида бехосдан инжу-дек ялтйраб кетарди. Чошгоҳ маҳали дарвоза ёнига оқ от қўшилган арава келиб тўхтади. Мансур Янинанинг чоғроққина нимдос жомадонини аравага юклади. Маҳтоб буви ва унинг гўшангага кириш насиб этмаган келини яна кўзларидида ёш билан хайрлашдилар. Янина ўзи ўрганиб қолган хонадон томонга қарай-қарай қўл силкилтганича аравага чикди. Мансуржон уни темир йўл бекатига қизатиб қайтиш учун ҳамроҳ бўлди.

Отнинг саргисига қамчи тушди, арава енгил чанг кўтариб жўнаб кетди.

Шу билан поляк қизи ва ўзбек йигити бошқа учрашмадилар. Эҳтимол, учрашмадилар, дейиш унчалик тўғри бўлмас, чунки севишганлар ҳижрон тунларида бир-бирларини тушларида кўрардилар. Ўша полизда ўтказилган тундаги ўхшаб тонг отар суҳбатлар қуриб, видо шаробини биргаликда ичар, бирга ёнар, бирга қуярдилар. Тақдир илоҳий ҳукмига кўра ўнгларида бошқа учрашмадилар.

Уруш йўлларида адашиб кетган мактублар сабаб бўлибми, севишганлар бир-бирларидан хат-хабар олишмасди.

Илк муҳаббат остонасида туриб, бу буюк гулшан ичка-рисига қара олмаган икки ёш кўнглида муҳаббат гўнчаси тоабат гул очиб, сўнгра уларнинг фарзандлари кўнглига қўнганга шак-шўбха йўқ. Зеро, севги асос ўлмайди, балки юраклардан орақларга қўнади, ҳолос...

Ушбу муҳаббат моҳаросининг беихтиёр гўвоҳи бўлган Жавлон бу воқеани ҳанузгача унутга олгани йўқ. У йигит бўлгач, юрагига муҳаббат меҳмон бўлди. Ўшанда у тоғаси ва бўлажак ангаси қанчалик қуйиб-ёнганларини тушуниди. Ҳали-ҳануз ўша куз тунини эслаганида юрагига симиллаган бир оғриқ киради...

2020 йил 8–20 январь



ИННОВАЦИЯ

Мақоланинг аудио шаклини
тинглаш учун QR-коднинг
сканер қилинг.

Адолат – келажакка ишонч

«Қонун унда адолат акс этгани учун қимматлидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди. Жамиятда адолат барқарор бўлишида прокуратура органларининг ўрни катта бўлмоғи керак», деган фикрлари, нафақат прокуратура органлари ходимларига, балки давлат ҳокимияти идораларида хизмат қилаётган барча мансабдор шахслар учун энг муҳим вазифа бўлмоғи лозим.

Адолат устувор бўлган жойда барака бўлади, тинчлик ҳукм суради, фуқароларнинг фаровонлиги таъминланади, мамлакат ривожланади.

Адолат тамойиллари акс этган Конституциямизнинг илдизлари узоқ тарихга эга. Амир Темурнинг сиёсати ва тузуқлари бугунги ҳаётимизда ҳам ўзига хос андаза вазифасини ўтайди. Негаки, «Темур тузуқлари» чуқур мазмун-моҳияти ва долзарблигини йўқотмаган, аксинча, ҳаётий жабҳаларда маънавий мезон бўлмоқда.

Россия жуғрофий жамиятининг ҳақиқий аъзоси Д. Логофет «Бухоро тоғлари ва текисликлари» китобида шундай ёзган: «Европа конституция ҳақида оддий тушунчага эга бўлмаган бир даврда... Амир Темурнинг давлатида конституцион қонунлар мажмуаси – «Тузуқлар» мавжуд бўлган ва амал қилган».

Амир Темур ҳаётининг мазму-

нини адолат билан бирга инсоф, иймон ва диёнат ташкил этган. «Кучсиз адолат ва адолатсиз куч – иккови ҳам даҳшат, – деб ёзган эди қадимги юнон донишманди Эсхил. – Агар куч адолат билан бирлашса, бу ҳамкорликдан кучлироқ нима ҳам бўлиши мумкин?»

Амир Темур 1370 йили Термиз яқинидаги Бий мавзеида Ер юзи саййидларининг пешвоси Саййид Барака билан учрашди. Тарихчилар бу улуг учрашувни тақдири азал томонидан белгиланган, дея таърифлайди. Соҳибқирон пирларининг асосий талаби эса адолат эди.

«Темур тузуқлари»да шундай ёзилган: «Ҳокимлару сипоҳдан қай бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим».

«Фақат инсонни севиш орқалигина адолатпарвар бўлиш мумкин», деб ёзади фаранг файласу-

фи. Бу ҳикмат Амир Темур ҳақида айтилгандек. У ҳар бир можаро ва муаммоли ишларни диққат билан текшириб кўрган. Ўз фуқароларига раҳм-шафқатли бўлган. Камбағалларга кўп хайру эҳсон қилиб турган. Бунинг натижасида қудрати ошиб борган. Муаззам боғлари халқ учун очиқ бўлган. Барча эркин кириб-чиқиши, мева-валаридан баҳраманд бўлиши мумкин эди. Бу ҳукмдор фуқароларини бирдек севишидан, иззатлашидан дарак эмасми?! Муаррихлар Соҳибқироннинг инсонпарварлик хислатларини ҳавас билан тасвирлар экан, унга «Халқ раҳнамоси», дея ўринли таъриф беради.

Амир Темур қонунни бузганлиги учун юқори лавозимдаги мансабдорлар, ҳатто энг яқин қариндошлари ва фарзандларини ҳам жазолашга буюрган. Сафарлардан қайтиб келганда бозорларни текширар, нарх-наво ошириб юборилган бўлса, адолат русуми бузилганини кўрса, гуноҳкорнинг жазосини берган. Тузуқларида «Маслаҳатчилар ва кенгаш аҳли йиғилганда, олдимиздаги ишларнинг яхши-ёмон, фойда-юзиён томонлари, уларни амалга ошириш-оширмаслик ҳақида сўз очиб, улардан фикр сўрар эдим. Сўзларини эшитгач, ишнинг ҳар икки томонини мушоҳада қилиб, фойда-зиёнларини кўнглимдан кечирирдим», деб қайд этади.

Соҳибқирон тўрт нафар адолатли вазир тайинлаган. Улардан

иккитасига доимо уни кузатиб туришларини ва агар адолатсизлик қиладиган бўлса, тўхта-тишларини, кимнингдир ёлғон сўзларига ишонса ёки бегона кимса мулкига хиёнат қиладиган бўлса, дарҳол огоҳлантиришларини таъкидлаб қўйган.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, адолат тушунчасини қўйидаги жиҳатларга бўлиб ўрганиш ва унга амал қилиш тавсия этилади:

биринчидан, сиёсий жиҳати – давлатни адолат қоидалари асосида бошқариш ҳамда фуқароларга ғамхўрлик қилиш. Иккинчидан, ижтимоий-фалсафий жиҳати – жамият аъзоларининг хилма-хил муносабатларидаги ўзаро тенглигини таъминлаш. Учинчидан, ахлоқий жиҳати – инсонлараро муомалада бир хил бўлишни, бир-бирининг иззат-нафсига тегмасликини, ахлоқ-одоб қоидаларига амал қилиш. Тўртинчидан, ҳуқуқий жиҳати – қонунларга риоя этиш.

Хулоса қилиб айтганда, адолат – юракларга малҳам, келажакка ишонч демакдир, фақат шийорларда эмас, амалда бўлсагина, буюк мақсадларга эришилади.

Майор Ўткирбек ДАВЛЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институти
докторанти

БУРЧ

Олий саодат

Ватан – муқаддас маъво. У ҳақда гапирганда тасаввуримизда туғилиб ўсган гўшамиз – шахримиз, қишлоғимиз гавдаланади. Шу сабабли ҳаммамиз ўз юртимизни севамиз, ардоқлаймиз, уни кўз қорачиғидек асрашга интиламиз.

Юртга бўлган муҳаббат ҳисси бизни ҳар доим шу Ватан учун мардонавор ишлар қилишга ундайди. Ўсиб келаётган ёш авлод қалбига мана шундай буюк ҳисни сингдиришда ўқувчиларнинг ҳиссаси бекиёс. Шу боисдан ҳам мактабимизда ўқувчилар ўртасида ҳарбий-ватанпарварликни тарғиб қилувчи очиқ дарслар кўп уюштирилади. Ўтказилаётган бу тадбирлар кенг қамровли бўлиб, энг асосийси, уларнинг барчасида Ватанга муҳаббат, садоқат ва ҳурмат руҳи мужассам.

Бу сафарги очиқ дарсимиз инглиз тилида онлайн тарзда ўтказилди. «Ватанга хизмат – олий саодат» деб номланган машғулотда юқори синф ўқувчилари фаол иштирок этишди. Мулоқотда ўқувчиларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда, ҳарбий соҳа нуфузи, шарафи, ҳарбий хизматчининг қиёфаси хусусида сўз борди. Қувонарлиси, жуда кўп ўқувчилар келажакда ўз ҳаётини шу касб билан уйғун ҳолда тасаввур қилишини айтишди.

Мулоқот самимий руҳда ўтди. Аҳамиятлиси, унда ҳар бир ўқувчи ўз қизиқиш ва интилишларини эркин баён этди.

Ориф МЎМИНОВ,
Сирдарё вилояти, Ховос туманидаги
5-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

ВИДЕОСЕЛЕКТОР

Етакчилар форуми



«Ёшлар ойлиги» доирасида Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасаларидаги бошланғич ташкилоти етакчиларининг II форуми видеоселектор тарзида ўтказилди.

Мазкур форумда ҳарбий округ қўшинлари қўмондонларининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳамда барча бошланғич ташкилот етакчилари ва йўналиш сардорлари иштирок этишди.

Форумни ўтказишдан кўзланган мақсад ҳозирги кунда ҳарбий қисм ва муассасалардаги бошланғич ташкилотнинг фаолияти, мазкур йўналишда йўл қўйилган камчиликлар ҳамда келгусида ёшларга оид устувор вазифаларни бажариш юзасидан вазифалар берилди.

Шу билан бирга, шаҳар ва вилоят Ёшлар иттифоқининг ҳудудий Кенгашлари билан жойларда амалга оширилаётган ишлар бўйича келишиб олинди.

Айжамал ЖАНИБЕКОВА

БУЮК АЛЛОМАЛАР

Буюк аждодимиз Абу Райхон Беруний асарлари инсоният тожидаги энг қимматбаҳо жавоҳирлардан ҳисобланади. Дунё илм-фанини ўзида мужассам этган Беруний даҳосига минг йил ўтибдики, ҳар бир даврнинг энг улуғ олимлари мурожаат қилади. Американинг тарихчи Дж. Сартон Беруний ҳақида: «Астрономия ва математика, астрология ва жуғрофия, антропология ва этнография, археология ва фалсафа, ботаника ва минерология унинг буюк номисиз қашшоқлашиб қолган бўларди», дейди.

Устои 12 та асарини Берунийга бағишлаган

Абу Райхон Мухаммад ибн Аҳмад Беруний 973 йил сентябрда Хоразмнинг қадимги пойтахти Қат шаҳрида – Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида туғилган. Унинг болалиги ҳақида маълумотлар жуда кам, фақат чин етим бўлганлиги маълум. У кексайган вақтда шундай ёзади: «Ироқлар оиласи менга нон-чай бериб, одамлар орасига олиб чиқди...» Аллома Ироқлар оиласи деганда Хоразмшоҳларга мансуб машхур олим Абу Наср Мансур ибн Ироқни назарда тутди. Ҳам мураббий, ҳам ҳомий бўлган ибн Ироқ астрономия, геометрия ва математикага оид асарларининг 12 тасини Берунийга бағишлайди.

Аллома ўзигача бўлган муаллифлар, олимларнинг ёзганлари ва уларга муносабати ҳақида «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номи асарида «Мен уларнинг ўзимгача етиб келган гапларини ҳикоя қиламан. Кучим етганча бузилганларни тузатишга, ёлғонларни бекор қилишга, ростни аниқлашга уринаман», деб ёзади ва қайси йўлдан кетаётганига шундай ишора қилади: «Шубҳани аниқ ва номаълумини маълумга қўшиш биз юрган йўлга лойиқ эмас».

Бугунги олимларга ибрат

Беруний асарларининг ёзилиши ҳозирги вақтда модерн услубда ёзадиган ёки ишлайдиган адиб ва олимларнинг матнларини ёдга солади. Масалан, у илмий мулоҳазани тушунтириш энгилроқ бўлсин, деб бирор модда тўғрисида ёзганида уни ҳикоялар ёки шеърлар билан батафсил ифодалашга ҳаракат қилган. Бу ҳақда Берунийнинг ўзи шундай дейди:

– Гарчи биз баъзи жойларда турли фанларга ўтиб, яъни асл мавзудан бироз чекиниб, баёнимизга алоқаси бўлмаган масалаларга киришиб кетсак ҳам, бу ҳол гапни чўзиш ёки кўпайтириш мақсадида эмас, балки ўқувчини зериктирмаслик учундир. Чунки доимо бир хил нарсага қарай-вериш малоллик ва сабрсизликка олиб келади. Ўқувчи бунда фандан-фанга ўтиб турса, турли боғлар-

«ШУБҲАНИ АНИҚ, НОМАЪЛУМНИ МАЪЛУМГА ҚЎШИШ БИЗ ЮРГАН ЙЎЛГА ЛОЙИҚ ЭМАС»

да юрганга ўхшайди, бирини кўриб улгурмай, бошқаси бошланади ва у киши, «ҳар бир янги нарсани лаззат бор», дейилганидек, уларни кўришга қизиқади ва кўздан кечиришни истади.

Алломанинг астрономия, астрология, математика, геодезия, геология, минералогия, география, арифметика, тиббиёт, фармакогнозия, тарих, филология масалаларига оид бир юз элликдан ортиқ асарлари ана шу услубда ёзилган, ҳар бирида жиддий масалалар таҳлил қилинган бўлса-да, мароқ билан ўқилади. Масалан, матн орасида шундай гаплар ва мулоҳазалар кўп учрайди:

«Асарларилар ҳам ўз жинсидан



БЕРУНИЙ

- Ер радиусини унинг айлана шаклга эгалигидан келиб чиқиб, деярли аниқ белгиллаган (6000 км.дан ортиқ).
- Колумбдан бир неча аср аввал янги дунёни, яъни Американи кашф этган.
- Тўқ жисмлар, яъни сайёралардан фарқли ўлароқ, Қуёш ва юлдузларнинг бир хил оловли табиатини маъқуллаган.
- Юлдузлар ҳаракатини аниқлаб, Ерга нисбатан уларнинг баҳайбат ўлчамини белгиллаган.
- Ернинг тортиш кучини ўрганган.
- Қуёш Ер атрофида эмас, балки Ер унинг атрофида айланишини тасдиқлаб, Птоломейнинг барча гумонларига нуқта қўйган.
- Шафақ ва кун ботиши уфқ орқасида яширинган қуёш нурларидаги чанг зарраларининг чиқиши оқибатида юзага келишини тушунтирган.
- Геодезик ўлчовларнинг астрономик усуллари ишлаб чиққан, В. Снеллиусдан 600 йил аввал масофада тригонометрик ўлчам усулини таклиф қилган.
- Астролябия, квадрант, секстант каби асосий астрономик асбобларни муканмаллаштирган.
- 400 йил давомида дунёдаги энг катта ҳисобланган радиуси 7,5 метрлик биринчи силжмас квадрантни Қуёш ва сайёраларни кузатиш учун ихтиро қилган.
- Беруний томонидан олиб борилган эклиптиканинг экваторга эгилганлигини ўлчаш ишлари аниқлиги бўйича кўп асрлар давомида тенгсиз бўлган.
- Ва бошқа ўнлаб илмий кашфлар муаллифи.

Американи ким кашф этган?

АҚШдаги Жон Хопкинс университети профессори, Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқотлари институти таъсисчи директори Фредерик Старр «Хистори Тодай» журналининг 2013 йил 12-сонидаги «Американи ким кашф этган?» мақоласида Беруний даҳосини тан олиб, шундай деган эди:

– Беруний ўз дарсхона-хужрасини тарқ этмаган ҳолда Колумбдан бир неча аср аввал Янги Дунёни, яъни Американи кашф этган. У Ер айланасини ўлчада қўлланган услуб бугунги кундаги замонавий техникалар қўллаб аниқланган натижадан бор-йўғи 10,44 мил фарқ қилади, холос.

2009 йил июнь ойида Эрон ҳукумати Венадаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бўлимига ҳозирда Вена халқаро маркази Мемориал майдонидан жой олган Форс олимлари павильонини тортиқ этади. Ундан жой олган тўрт машхур олимнинг бири Ибн Сино, иккинчиси Абу Райхон Беруний эди.

Ўлим бўсағасидаги ният

Ўрта аср олими ва тарихчиси Ёқут

Ҳамавий Беруний ҳаётининг сўнгги дақиқаларида ёнида бўлган кишининг ҳикоясини шундай баён этади:

– Мен Абу Райхон ҳузурига у оғир нафас олаётган, хириллаб жон бераётган вақтда кирдим. У мендан «Меросларнинг нотўғри бўлиши ҳақида айтганларингни такрорлаб бер», деди. Мен унга раҳм қилиб, шу аҳволда-я, дедим. У эса: «Эй фалони, мен учун бу масалани билиб дунёдан ўтиб кетиш, уни билмай ўтиб кетишдан афзалроқ эмасми?» деди. Мен у айтган масалаларни такрорлашга мажбур бўлдим. У бунни ёдда сақлади. Кейин менга бу ҳақда ўйлаганларини айтиб берди. Шундан сўнг мен чиқиб кетдим. Кўчага чиқишим билан унинг уйдан йиғи овози эшитилди.

Ўн учинчи асрнинг иккинчи ярмида яшаган хаттот ва машхур ҳаким Ҳазанфар ат-Табризий Берунийнинг вафот этган йилини, ҳатто кунини ҳам аниқ кўрсатган. Беруний асарларининг рўйхатини тузган Табризийга кўра, улуғ ватандошимиз 440 йил 3 ражаб ойда – 1048 йил 13 декабрда 80 ёшлардан ўтиб, вафот этган.

Фурқат ЭРГАШЕВ

МИСР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ

Африка қитъасининг шимоли-шарқи ва қисман Осиё (Синай ярим ороли)да жойлашган Миср Республикаси Қурулли Кучлари араб дунёсидаги жанговар қобилияти энг юқори бўлган армиялардан бири ҳисобланади.

Қурул-яроғ ва жанговар техника миқдори бўйича эса дунёдаги энг йирик армиялардан биридир. Ғарб оммавий ахборот воситалари маълумотига кўра, ҳарбий харажатларга ажратиладиган маблағ миқдори 2,5 миллиард доллар (ялпи ички маҳсулотнинг 3,4 фоизи)ни ташкил этади. Мамлакат Қурулли Кучлари умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги қонун асосида 18-30 ёшдаги эркак фуқаролар билан бутланади. Мажбурий ҳарбий хизмат мuddати 12 ойдан 36 ойгача, кейинчалик мuddатли хизматни ўтаб бўлган ҳарбийлар 9 йиллик мажбурий резерв рўйхатида қиритилади.

Ташкилий жиҳатдан Қуруқликдаги қўшинлар (351 000 киши), Ҳарбий ҳаво кучлари (30 000), Ҳарбий денгиз кучлари (22 000) ва Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларидан (82 500) иборат бўлган Миср Қурулли Кучларининг умумий сони 486 000 кишини ташкил этади. Сафарбарлик қақирувчи эълон қилинган вақтда миллий армиянинг умумий сони 1,3 миллион кишигача етиши мумкин. Миср Қурулли Кучлари сони, таъминланганлик даражаси ва жанговар тажрибаси бўйича Яқин Шарқдаги энг кучли армиялардан бири ҳисобланади.

Миср деярли барча турдаги ҳарбий техникани ишлаб чиқаришга қодир бўлган, араб ўлчамлари бўйича яхши ривожланган ҳарбий-саноат комплексига эга. Шу билан биргаликда, сўнгги йилларда юзага келган кескинликка қарамай, мамлакат ҳарбий-техник соҳада АҚШ, Европа давлатлари (айниқса Франция), Хитой ва Россия билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу эса кўплаб мамлакатлардан замонавий қурул ва жанговар техника харид қилиш имконини беради. Хусусан, Миср бир вақтнинг ўзида ҚХДР ва Жанубий Кореядан қуруллар харид қилувчи ягона мамлакат ҳисобланади. Шу билан биргаликда, Қурулли Кучлар тасарруфидagi жанговар техниканинг анчагина қисми эскирган, шу сабабли куйида келтирилган рақамларни шартли деб ҳисоблаш мумкин.

Қуруқликдаги қўшинлар

Қурулли Кучларнинг асосий ва энг кўп сони турли бўлган Қуруқликдаги қўшинлар (ҚҚ) мотопиёдалар ва бронетанк, артиллерия, зенит-ракета, парашют-десант, махсус вазифаларни бажарувчи, чегара, республика гвардияси, худудий мудофаа, қирувчи-танкка қарши ракета ва зенит артиллерияси қўшинларидан ташкил топган. ҚҚ таркибидан 4 та ҳарбий округ ва 2 та дала армияси (2-Исмоилия ва 3-Сувайш), парашют-десант қўшинлари, махсус операция кучлари, чегара қўшинлари ва республика гвардияси қўмондонликлари жой олган. Улар таркибида жами 12 та дивизия (8 та механизациялашган ва 4 та танк), 70 та алоҳида бригада, 22 та алоҳида полк, 13 та чегара полки, республика гвардиясига қарашли 5 та бригада, 3 та махсус гуруҳ (антитеррористик, махсус операциялар ва тезкор ҳаракатланувчи), 1 алоҳида мотопиёдалар батальони ва 1 та алоҳида махсус вазифаларни бажарувчи батальон бор. Қуруқликдаги қўшинлар тасарруфида 3400 дан ортиқ М1А1 «Абрамс», М60А1/3, «Рамзес-2», Т-62, Т54/55 русумли танк, оператив-тактик ва тактик ракеталар



учун мўлжалланган 21 та ишга тушириш қурилмаси, 7900 дан ортиқ зирхли жанговар машиналар, 3600 дан зиёд миномёт, артиллерия тўплари ва бараварига ўт очувчи ракета тизимлари, 2800 дан ортиқ танкка қарши артиллерия тўплари ва ракета комплекслари, 1800 дан зиёд зенит воситалари, зенит артиллерияси тўплари ва кўча зенит-ракета комплекслари бор.

Ҳарбий ҳаво кучлари

Мисрнинг ҳаво бўшлиқлари Марказий, Шарқий, Ғарбий, Шимолий ва Жанубий деб номланувчи 5 та ҳарбий ҳаво округига ажратилган. Бу турдаги қўшинлар қирувчи, қирувчи-бомбардимончи, штурмчи, разведка, транспорт, вертолёт ва ўқув авиациядан ташкил топган. ҚХК таркибидан бош штаб, 5 та ҳарбий ҳаво округи ва бевосита уларга бўйсунувчи қисмлар, 2 та авиация дивизияси (вертолёт ва транспорт), 2 та разведка ва 4 та ўқув авиация бригадаси, 3 та алоҳида авиация эскадрильяси (вертолёт, транспорт ва ўқув) жой олган. Қўшин ихтиёрида 550 дан ортиқ F-16, AT-802U (АҚШ), «Рафаль» ва «Мираж-2000» (Франция), МиГ-29М2 (Россия) ва бошқа типдаги жанговар, разведка, радиоэлектрон кураш ва радиоолокацион аниқлаш самолётлари, 350 дан зиёд ёрдамчи авиация (шу жумладан, ўқув ва транспорт) самолётлари, 180 га яқин жанговар вертолёт, 100 га яқин жанговар таъминот вертолётлари, 120 дан ортиқ турли типдаги учувчисиз учиш аппаратлари бор. Шунингдек, қўшинга қарашли ўқув-жанговар ва ўқув-машқ авиацияси «Мираж-5», «Альфа Жет», F-16, F-4, «Гумхурия», «Тукано», МиГ-21 ва бошқа типдаги самолётлар билан таъминланган. Миср Ҳарбий ҳаво кучлари ривожланган аэродром тармоғига эга (90 дан ортиқ аэродром).

Ҳарбий денгиз кучлари

Бу турдаги қўшин таркибига (умумий сони 22 000 киши, тайёрланган резерв – 20 минг киши) бош штаб, 2 та флот (Шимолий ва Жанубий), 3 та жанговар кемалар бригадаси (сувостии кемалари, фрегатлар ва десант кемалари), 3 та кемалар гуруҳи (мина-трал кучлари, ўқув кемалари ва ёрдамчи кемалар, патруль катерлари), денгиз пйедалари бригадаси, соҳилини қўриқловчи қисм ва бўлинмалар, техник ва фронт орти таъминоти бўлинмалари ва бошқа муассасалар (ҳарбий-денгиз коллежи, ҳарбий-денгиз академияси, кемасозлик верфлари) қиради. Хориж матбуоти маълумотларига кўра, Миср Ҳарбий денгиз кучлари тасарруфида жами 245 та ҳарбий кема, катер ва бошқа типдаги кемалар, 38 та жанговар кема (шу жумладан, 6 та дизель-электр сувостии кемаси), 11 та фрегат, 2 та корвет, 5 та десант кемаси, 70 дан ортиқ жанговар катер, 100 дан зиёд патруль катерлари, 7 та ўқув кемаси ва катери, 18 та ёрдамчи кема бор. Соҳилини қўриқловчи қисмлар кемаларга қарши курашиш учун мўлжалланган «Отомат» (Италия), 4К87 «Сопка» (Россия) русумли ракеталарни ишга тушириш қурилмалари, 130 мм.ли артиллерия тўплари ва бошқа қуруллар билан таъминланган. Денгиз пйедалари қисмлари ихтиёрида 11 та жанговар танк, 18 та танкка қарши восита, 9 та зенит воситаси, 90 дан ортиқ зирхли жанговар машина мавжуд.

ҚУРУҚЛИКДАГИ ҚЎШИНЛАР

Умумий сони – 351 000 киши



Жанговар танклар – 3 400 дан ортиқ



Зирхли жанговар машиналар – 7 900 дан ортиқ



Артиллерия тўплари ва миномётлар – 3 600 дан зиёд



Танкка қарши воситалар – 2 800 дан ортиқ



Зенит воситалари – 1 800 дан зиёд

ҲАРБИЙ ҲАВО КУЧЛАРИ

Умумий сони – 30 000 киши



Жанговар самолётлар – 550 дан ортиқ



Ёрдамчи авиация самолётлари (ҳарбий-транспорт ва ўқув-машқ самолётлари) – 350 дан зиёд



Жанговар ва транспорт вертолётлари – 280 га яқин



Учувчисиз учиш аппаратлари – 120 дан ортиқ

ҲАРБИЙ ДЕНГИЗ КУЧЛАРИ

Умумий сони – 22 000 киши



Жами ҳарбий кемалар – 245 та



Сув остии кемалари – 6 та



Жанговар кемалар – 38 та



Десант кемалари – 5 та



Фрегатлар – 11 та



Корветлар – 2 та



Жанговар катерлар – 70 дан ортиқ



Патруль катерлари – 100 дан зиёд



Ёрдамчи кемалар – 18 та



Ўқув кемалари – 7 та

Пўлат САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

ШАРТНОМАНИ УЗАЙТИРИШ МАСАЛАСИ



Россия стратегик ҳужум қурулларини қисқартириш ва чеклаш чоралари тўғрисидаги шартнома бўйича АҚШ билан ўзаро мулоқотни давом эттириш ниятида. Бу ҳақда Федерация кенгашининг халқаро алоқалар кўмитаси раҳбари Константин Косачев маълум қилган. Москва 2021 йил февралда мuddати нихосида етадиган мазкур шартномани яна беш йилга узайтиришни таклиф этмоқда. АҚШ эса музокараларга Хитойни ҳам жалб этиш ниятида. Бироқ АҚШ ва Россиянинг ядро арсенали Хитойниқига нисбатан анча кўплиги сабабли расмий Пекин бу таклифни рад этмоқда.

ҲАРБИЙЛАРГА РУХСАТ БЕРИЛДИ



Хитойда CanSino Biologics компанияси ва Ҳарбий фанлар академиясининг тадқиқот маркази томонидан ишлаб чиқилган COVID-19 инфекциясига қарши вакцина намунасидан ҳарбийлар фойдаланишига рухсат берилди. Бу ҳақда «The Jakarta Post» газетаси хабар қилган. Аввал клиник синовларда вакцинанинг хавфсиз экани, шунингдек, касалликка қарши самарадорлиги аниқланган. Ad5-nCoV'нинг дастлабки икки босқичдаги тадқиқотларида вакцинанинг коронавирус қақирадиган касаллиқнинг ривожланишига йўл қўймаслик ҳусусиятига эга экани намоён бўлган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ФОНД БИРЖАСИГА ҲУЖУМ



Автомат ва гранатомётлар билан қурулланган бир гуруҳ террорчилар Покистоннинг Карачи шаҳридаги фонд биржаси биносига ҳужум уюштирди, деб хабар беради Geo News. Маълумотларга кўра, жиноятчилар биржа биносининг асосий кириш эшиги олдида автомобилда келган ва тартибсиз равишда ўқ уза бошлаган, сўнг бинога ҳужум уюштирган. Ҳужумни уюштирган тўрт нафар террорчининг барчаси воқеа жойига етиб келган полиция ва ҳарбийлар томонидан ўлдирилган. Айни вақтда воқеа жойида ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан тергов-текширув ишлари олиб борилмоқда.

ВОЕННАЯ ТЕХНИКА

НОВАЯ СОВМЕСТНАЯ
РАЗРАБОТКА

Эстонская компания «Милрем роботикс», занимающаяся разработкой дистанционно управляемых машин (ДУМ) и австралийская фирма «Электрооптик системз» представили новую совместную разработку – опытный образец ДУМ «Темис» с боевым модулем R400S-Mk2-HD, в состав которого входят 30-мм автоматическая пушка M230 LF фирмы ATK (США) и спаренный с ней 7,62-мм пулемёт.

Имеется также техническая возможность монтировать на машину пусковые установки противотанковых управляемых ракет. Кроме того, она может оснащаться системой автоматического управления, что позволяет использовать ее для патрулирования территории в автоматическом режиме по заранее подготовленной программе. По мнению разработчиков, ДУМ «Темис» позволит увеличить огневую мощь сухопутных подразделений на поле боя, обеспечит ситуационную осведомленность в режиме реального времени благодаря наличию в составе бортового оборудования оптоэлектронных сенсоров. Гусеничная платформа «Темис» имеет боевую массу 1 450 кг, а массу полезной нагрузки – 750 кг. Машина приводится в движение дизель-электрической силовой установкой или от блока аккумуляторов. Максимальная скорость движения по шоссе около 24 км/ч, продолжительность непрерывной работы до 10 ч (с применением только аккумуляторов – 1,5 ч).

СУДНО ЛЕДОВОГО
КЛАССА

Министерство обороны Южноафриканской республики завершила переговоры с компанией SAS (South African Shipyards) о строительстве гидрографического судна (ГС) для национальных ВМС.

Новое судно разработано компанией «Вард марин» на основе патрульного корабля VARD 9 105. Оно должно заменить в составе южноафриканского флота ГС «Протеа» (в ВМС страны с 1972 года). Этот проект является дальнейшим развитием разведывательных кораблей «Эхо» и «Энтерпрайз», разработанных компанией «Вард марин» для военно-морского флота Великобритании и поставленных ва 2002 году. В соответствии с требованиями южноафриканских ВМС предполагается использование новейшего гидрографического и океанографического оборудования для проведения научных исследований прежде всего в северных антарктических водах. Судно ледового класса (по международной классификации Polar Class 7 – способно преодолевать тонкий однолетний лед весной и летом) будет иметь длину 95 м и ширину 17,5 м, максимальную скорость хода 18 узлов, дальность плавания 10 000 миль, автономность 44 суток. Мощность главной энергетической установки корабля 7,8 МВт. Экипаж 120 человек.

ИСПЫТАНИЯ
ПРОДОЛЖАЮТСЯ

Китайская корпорация CASC (China Aerospace Science and Technology Corporation) проводит наземные испытания беспилотного летательного аппарата «Цай Хун-10» (Cai Hong 10, CH-10), сконструированного по принципу конвертоплана.

Первый его полет ожидается в текущем году. Согласно данным корпорации, аппарат изготовлен из легких композиционных материалов, имеет длину 4,6 м и высоту 2,1 м, размах крыла 6,7 м, максимальную взлетную массу 350 кг, он может нести полезную нагрузку массой 80 кг. Беспилотный конвертоплан может достигать запланированных крейсерской и максимальной скоростей на уровне 150 и 320 км/ч соответственно при полете на рабочей высоте 7 000 метров. Вертолетный режим обеспечивает аппарату CH-10 не только возможность вертикального взлета и посадки, но и длительного зависания на высоте 3 000 м при скорости ветра до 10 м/с.

БОЕПРИПАС
ВЕРТОЛЕТНОГО ТИПА

Специалисты израильской компании «Рафаэль эдванс дефенс системз» разработали патрулирующий боеприпас (ПБ) вертолетного типа «Спайк файрфлай».

В комплект данной системы оружия, переносимого в ранце одним военнослужащим, входят три ПБ массой по 3 кг в транспортно-пусковых контейнерах, и пульт управления (1,5 кг) с двусторонней линией передачи данных. Общая масса носимой системы 14 кг. Боеприпас в сложенном состоянии имеет размеры 80 x 80 x 400 мм. «Спайк файрфлай» оснащен двумя электродвигателями и двумя соосными винтами диаметром 0,6 м противоположного вращения. Продолжительность патрулирования составляет около 15 минут на высоте около 60 м, дальность применения до 1,5 км на открытой местности и около 0,5 км в условиях городской застройки. Масса осколочно-фугасной боевой части (БЧ) 350 г. Конструкция патрулирующего боеприпаса «Спайк файрфлай» позволяет в полевых условиях заменить отсек БЧ второй батареей питания с целью выполнения разведывательной задачи в течение 30 минут. При обнаружении цели оператор дает команду на ее поражение. Предусмотрена возможность прекращения боевой задачи и безопасного возвращения боеприпаса.



Подготовил П. САЙДИВАЛИЕВ

МАХСУС ВАКИЛ ТАШРИФИ



АҚШнинг Афғонистон бўйича махсус вакили Залмай Ҳалилзод ва АҚШ Халқаро тараққиётни молиялаштириш корпорацияси бош ижрочи директори Адам Болер бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди. Меҳмонлар дастлаб Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комилов билан учрашди. Ташрифдан асосий мақсад Афғонистоннинг иқтисодий тикланишига кўмаклашиш, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун бир қатор соҳалардаги сармоявий имкониятлар ҳамда ўзаро ҳамкорликни ўрганишдан иборат.

АХВОЛ ЁМОНЛАШАЁТГАНИ САБАБЛИ



Қозғоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ҳукуматга мамлакатда қаттиқ карантин жорий қилиш ҳақида тақлиф киритиш бўйича топшириқ берди. «Интерфакс» берган маълумотга кўра, коронавирусга қарши кураш чоралари юзасидан ўтказилган йиғилишда Тоқаев мамлакатдаги аҳвол яна ёмонлашаётгани сабабли давлат комиссиясига март ойидан май ойигача амалда бўлган қаттиқ карантинга ўхшаш чораларни ишлаб чиқиш ва уларни жорий қилиш юзасидан тақлиф киритишни топширган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ



Корея халқаро савдо ассоциацияси, Ҳамкорлик форуми котибияти ва Марказий Осиё мамлакатлари савдо-саноат палаталари раҳбарлари ўртасида онлайн форматда бўлиб ўтган йиғилишда «Корея Республикаси – Марказий Осиё Ишбилармонлик кенгаши»ни тузиш ҳақидаги меморандум имзоланди. Йиғилишда мамлакатлар ўртасидаги ҳар томонлама ва ишончли савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, арбитраж, туризм ва саноат соҳаларидаги лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

ЁЗ СОЗ ЎТИШИ УЧУН

Болалар ёзги дам олиш оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш муассасаларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш учун нималарга эътибор қаратиш лозим? Қуйида шунга оид айрим талаблар ҳақида фикр юритилади.

– Дам олиш оромгоҳлари ва соғломлаштириш муассасалари раҳбарлари мавсум бошланиши олдидан ҳудудий ёнгин назорат инспекцияси билан биргаликда муассасаларни текшириб, аниқланган камчиликларни бар-тароф этиш чораларини кўриши;

– оромгоҳ раҳбарияти барча хизмат кўрсатувчи шахслар (тарбиячилар, сардорлар, овқатлантириш хизмати ишчилари, электриклар, киномеханиклар, қоровуллик хизмати ходимлари ва бошқалар) билан ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш, ёнгин содир бўлганда болаларни қутқариш тартиби ва ёнгинни ўчириш чоралари ҳақида йўриқнома ўтказиши ва хизмат кўрсатувчи шахслар ҳисобидан штатдан ташқари ёнгин ўчириш гуруҳи, болалар ҳисобидан – ёш ёнгин ўчирувчилар гуруҳларини тузиши, навбатчилик ташкил этиши;

– ёнгин хавфсизлиги қоидалари ҳақида йўриқнома ва қутқариш режаси кўринарли жойга осилиши, унда ким болаларни қутқариши ва тугагандан сўнг ким сонини текшириши, биноларда хавфсиз жойгача чиқиш йўлини ёки соғломлаштириш муассасалари, оромгоҳлар ҳудудидан чиқиш йўлини кўрсатиши, қутқарилган жиҳозларни сақлаш ва уларни кўрикловчи шахс тайинланиши, захира ходимлар рўйхати кабилар кўрсатилган бўлиши;

– ҳудудда ёнгин ўчириш машиналарини ўткази оладиган 2 тадан кам бўлмаган дарвозалар, ёнгин ўчириш мотопомпаси, жиҳозлар ва бошқа ёнгин ўчириш техникаларини сақлаш учун 20-30 м² майдонли алоҳида хона (бино), бандлиги 10 метргача бўлган биноларга

тиркагич нарвонлар ўрнатилган бўлиши;

– гуруҳлар жойлаштирилган павильонлар хоналари ўртасида ёнгинга чидамлилиги 0,75 соатдан кам бўлмаган деворларга ёнгинга чидамлилиги 0,6 соатдан кам бўлмаган эшиклар ўрнатилган бўлиши, ётоқхоналар, ошхона ва оммавий маданий дам олиш хоналаридан ёнгинга қарши деворлар билан ажратилиши, инсонлар кўп йиғиладиган масканларнинг биринчи қават дераза ва эшикларига металл панжаралар ўрнатилмаслиги лозим.

Қийин ёнувчи ва ёнувчи бўғотли дам олиш хоналари остида омборхоналар, оромгоҳлар ва соғломлаштириш ҳудуди ичкарасида шахсий автомобиллар учун тўхташ жойи қурилиши тақиқланади. Ҳамма ёнувчи ахлатлар ва чиқиндилар ҳар куни йиғиштириб олиниши ва назорат органлари билан келишиб, алоҳида ажратилган жойларга ташланади ёки олиб чиқилади. Муассасага тааллуқли ҳўжалик ишларида фойдаланиладиган автотранспорт воситалари хизмат-маиший зонадаги гараж-

ларда сақланиши керак. Шамолли об-ҳаво шароитида гулхан ёқиш тақиқланади. Электр ёритиш тармоқлари бўлмаган бостирма, омбор, чордоқ, ертўла ва бошқа жойларга киришда фақат қўл электр фонаридан фойдаланиш шарт.

Оромгоҳлар, соғломлаштириш муассасаларида ёнгин ўчириш қисми билан телефон алоқаси ўрнатилади. Алоҳида ҳолларда кеча-ю кундуз ишлайдиган ва ёнгин ўчириш қисми билан телефон алоқаси бўлган бошқа нозимхона билан радиоалоқа воситаси ўрнатилиши мумкин.

Соғломлаштириш муассасаси ва оромгоҳлар ҳудудидида ёнгин ёки бошқа фавқуллода ҳодисалар ҳақида хабар берувчи мосламалар бўлиши керак. Оромгоҳларнинг ётоқ корпусларида печли иситиш мосламаларини ўрнатиш мумкин эмас.

Подполковник Зокир КЕНЖАЕВ,
Тошкент гарнизони ёнгин назорати инспекцияси бошлиғи

Умумий вазифамиз

Ёнгин хавфсизлиги қоидаларидан хабардор бўлиш орқали биз нафақат ўзимизнинг, балки яқинларимиз, сафдош дўстларимизнинг ҳам хавфсизлигини таъминлаб, моддий зарарларнинг олдини олган бўламиз.

Маълумки, мамлакатимизда ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади. Мазкур қонунга кўра, **ёнгин** – одамларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига, шунингдек, атроф табиий муҳитга зарар етказадиган, назорат қилиб бўлмайдиган ёниш. **Ёнгин назорати** эса ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини текшириш ва текширув натижалари бўйича чора-тадбирлар кўриш мақсадида белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолиятдир.

Энди эса асосий тушунчага тўхталсак. **Ёнгин хавфсизлиги** – одамларнинг, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкнинг, шунингдек, атроф табиий муҳитнинг ёнгинлардан ҳимояланганлиги ҳолати. Айнан шу ҳолатни таъминлаш эса сиз-у бизнинг умумий вазифамиз. Унутманг, қонунни билмаслик бизни жавобгарликдан озод этмайди.

Подполковник Жаҳонгир ЖУМАНАЗАРОВ,
Жиззах гарнизони ёнгин назорати инспекцияси бошлиғи

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Беш ташаббус ижроси

Қуролли Кучлар академиясида карантин қоидаларига тўлиқ амал қилинган ҳолда Президентимиз илгари сурган бешта муҳим ташаббус ижросига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.



Дастлаб, ташаббуснинг иккинчи йўналиши бўйича ёзги бассейнда сузиш мусобақаси ўтказилди. Беллашувни соҳа мутахассислари одилонга баҳолаб берди.

Шундан сўнг курсантлар қўл жанги, узунликка сакраш каби шартлар бўйича беллашишди. Куннинг иккинчи ярмида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида полковник Азиз Тоиров замонавий махсус информатика хонасида ахборот технологияси сирларидан сабоқ берди.

– Беш муҳим ташаббус курсантларнинг нафақат маънан, балки жисмонан чиниқишларига асос бўлади. Бундай тадбирлар ёшларнинг ўз қобилиятларини кўрсатиш учун имконият вазифасини ўтайди, – дейди майор Холмухаммад Жўрабоев.

Беш ташаббус доирасида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари ҳам фаол иштирок этишди.

Гулсанам ИСОҚЖОНОВА

Адиблар хиёбони – зиё маскани

Адиблар хиёбонида Қуролли Кучлар академияси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида «Навоийга эҳтиром» мавзуида тадбир ўтказилди.



Алишер Навоий пойига гул қўйиш билан бошланган тадбир кизгин мушоирага уланди. Курсантлар томонидан буюк бобокалонимизнинг «Хамса» дostonи асосида тайёрлаган сахна кўринишлари томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Шунингдек, улар ўз чиқишларида Бобур, Муқимий, Фурқат каби етук адабиёт

намояндаларини ҳам ёдга олдилар.

Сўнг Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Мансур Жумаев Навоий ғазалларини шарҳлаб, ғазаллар ўқиб берди.

– Курсантларнинг нафақат ўзбек, шу билан бирга хорижий тилларда ҳам ҳазрат Навоий ижоди ҳақида эркин фикрлаши, академияда маънавий дарсларнинг пухта ўргатилаётганидан даракдир, – дейди Мансур Жумаев.

Тадбир фаоллари меҳмонлар томонидан муносиб тақдирланди.

Ш. НИШОНОВА



Bolajon



Rivoyat qilishlaricha, Pahlavon Mahmudning Dehliga safari hind xalqining milliy bayramiga to'g'ri kelibdi. Odatda, bunday ayyomlarda xalq sayillari, har xil tomoshalar, musobaqalar uyushtirilgan ekan. Mahmudning shahar chetidagi saroylardan biriga tushganini eshitgan sulton uning ertangi kurashda ishtirok

etishi va yosh saroy pahlavoni bilan bellashishini so'rab, odam yuboribdi. Mahmud yosh bahodirning izzat-nafsiga shikast yetkazishni o'ziga ep ko'rmay, bu iltifotni rad etibdi. O'z marhamati qabul qilinmaganini eshitgan sulton g'azab otiga minibdi. Mulozimlar bu xabarni Mahmudga yetkazib, kurashda ishtirok etishini o'tinib so'rabdilar. U rozilik bildiribdi.

Odatda, bunday munosabatlardan oldin Mahmud ulug'larning qadamjolarini ziyorat qilar ekan. O'sha kecha ham shahardagi qabristonni ziyorat qilib yursa, bir ayol erining qabrini quchoqlab: «Ey Xudo, ikki bolam va erimni olding, ertangi kun maydonda yolg'iz o'g'limning qo'lini baland qilgin», deb nola chekayotgan ekan.

Mahmud bu xotin sulton saroyidagi

pahlavonning onasi ekanligini sezibdi.

Ertasi kuni kurash maydonida Mahmud o'zini juda zaif va lapashang qilib ko'rsatibdi. Yosh bahodir ikki-uch davradan keyin o'g'limning qo'lini baland qilgin», deb nola chekayotgan ekan.

TANTI PAHLAVON

ko'tarib uribdi. Sulton bu g'alaba sharafiga katta ziyofat beribdi. Tantalardan so'ng hokim boshchiligidagi arkoni davlat: barcha xizmatkorlar, mehmonlar fillarga minib o'rmonga – ovga jo'nabdi.

Changalzorlar orasidan ketayotganda bexosdan sulton taxtiravoni o'rnatilgan fil botqoqqa botib qolibdi, ko'p urinishibdi, filni loydan chiqaza olishmabdi. Shunda Mahmud xizmatkorlarga filning oldingi oyoqlari orasini kovlab bo'shatishni buyuribdi. Shunday qilishibdi. Bo'shliqqa katta bir kundani tashlabdilar. Mahmud ana shu kunda ustiga tushib, fil oyoqlari orasiga yelkasini qo'yib, bir zo'r bilan ikki oyog'ini botqoqdan bo'shatibdi, fil o'zini o'nglab, halokatdan qutulibdi.

Hamma mehmonning qudratiga ofarinlar aytibdi. Ovdan so'ng yana

ziyofat boshlanibdi. Gap orasida sulton Mahmuddan:

– Kecha maydondagi zaifligingiz bilan bugungi jasoringizni qanday tushunsa bo'ladi? – deb so'rabdi.

– Ey, oliyhimmat sulton! Bu yigit bir bevaning yagona farzandi. Istiqboli porloq pahlavon, lekin hali tajribasiz. Men

u bilan olishib, mayib qilib, umriga zomin bo'lishni istamadim. Ammo siz g'azablanganingizdan so'ng kurash tushishga rozilik bergandim, – debdi u.

– Tilang tilagingizni, nima istasangiz, muhayyo qilaman, – debdi pahlavonning tantiliga qoyil qolgan sulton.

– Menga hech narsa kerak emas. Sizning zindoningizda 200 dan ortiq yurtdoshlarim asir ekan, o'shalarni ozod qilsangiz, Vatanimga birga olib ketsam, bas, – debdi Mahmud.


Sulton bahodirga ot-ulov, sarpolar beribdi va asirlarni hibsdan bo'shatibdi. Pahlavon Mahmud vatandoshlari bilan Xorazmga qarab yo'l olibdi.

**"Hikmatlar xazinası"
kitabidan olindi.**

SKANWORD



CHIZISHNI O'RGANAMIZ



VATANPARVAR



Дўстлик риштаси
ёхуд Михаилга
айланган
Мамашариф



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИ

 www.mudofaa.uz